БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 117 (1121)
13 ИЮНЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши (1-бет).

Янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб, ҳар бир туп ғўзани сифатли парвариш қилайлик! (1-бет).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА: РТС, МТС, колхоз, совхозларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг бориши тўғрисида (1-бет).

СССР Министрлар Советида (2-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Ҳ. Абдусаматов.** — Якунловчи машғулотлар уюшқоқлик билан ўтди (2-бет).

Р. Нишонов. — Кўп тиражли газеталарнинг ишини яхшилайлик (2-бет).

Жонажон Ватанимизда (2-бет).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ: **И. Бессонов.** — Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишини тўғри ташкил этайлик (3-бет).

Музика маданиятимизнинг янада равнақи учун! (3-бет).

ОЧЕРК: **П. Эгамназаров.**—Води гуллари (3-бет).

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади (4-бет).

Франциядаги сиёсий аҳволга доир (4-бет).

Ливанда аҳвол (4-бет).

Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштирайлик

Саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида ва темир йўл транспортида Коммунистик партия томонидан мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши юзасидан ишлаб чиқилган гоят катта программани муваффақият билан амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракати кун сайин янги куч билан кенг қулоч ёймоқда. Олтинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ҳамма ерда социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилаётир. Мусобақа жараёнида янгидан-янги ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда, новаторларнинг сафи кенгаймоқда.

Бизда ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларининг номи ҳамма ерда зўр ҳурмат ва ифтихор туйғулари билан тилга олинади. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар меҳнат унумдорлигини тағин ҳам ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш процессларини ва иш методларини тобора такомиллаштирмоқдалар, цех ҳамда участкалардаги жуда катта резервларни қидириб топиб ишга солмоқдалар. Зотан олдий совет кишиларининг юксак инсоний фазилатлари, умум иши учун жон қойитишлари, коммунизмнинг енгилмас ишига бўлган садоқатлари, оташин ватанпарварлик хислатлари ҳам худди ана шунда бутун тўлалиги билан рўёбга чиқмоқда.

Илғор корхоналарнинг ва ишлаб чиқариш новаторларининг мусобақа жараёнида орттирган бой тажрибаларини кенг оммалаштириш — социалистик экономикамизнинг барча соҳаларини яна ҳам зўр бериб ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Буни лоақал областимиздаги бир қатор корхоналар, жумладан Тошкент тўқимачилик комбинати, «Узбексельмаш», Оҳангарондаги 9-шахта, «Чирчиксельмаш» ва бошқа корхоналар мисолида яққол кўриш мумкин. «Узбексельмаш» заводида корхонадаги ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибалари билан бир қаторда областимиздаги, шунингдек Иттифоқимиздаги илғор корхона коллективларининг ҳам прогрессив иш усулларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Илғорлар тажрибаси деворий газеталарда, шунингдек заводда чиқаётган кўп тиражли «Фрунзевец» газетасида системали равишда оммалаштириб борилади. Заводдаги кекса ва тажрибали ишчилар ёш ишчиларга яқиндан ёрдам бералидар, уларга оталик қиладилар. Корхонада новаторлар мактаби, ишлаб чиқариш кенгашлари мунтазам ишлаб турибди, кекса, тажрибали ишчилар билан ёш ишчиларнинг учрашувлари, фан ва техникага оид лекция ва суҳбатлар тез-тез ўтказилиб турилади. Корхона мутахассислари областимиздаги, шунингдек Иттифоқимиздаги бир қатор илғор машинасозлик заводларига тез-тез бориб-келиб турадилар. «Фрунзевец» газетаси ҳар сонида «Бу янгиликни бизда ҳам қўлланиш мумкин» деган махсус рубрика остида бошқа корхоналардаги тажрибаларни муттасил ёритиб боради. Амалга оширилаётган ана шу талбирлар жуда яхши натижалар бермоқда. Завод коллективи Тошкент шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Давлат планлари муттасил тўла ва ошириб бажарилаётганлиги учун корхона Тошкент Совнархозининг биринчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди.

Лекин ҳамма ерда ҳам ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини коллектив ўртасида оммалаштиришга ана шундай жиддий эътибор берилаётир, деб бўлмайди. Илғор тажрибаларни айрибошлашда ҳали ҳам расмиятчилик, шовқин-сурон, дабдаба ва қогозбозлик кўп. Баъзан бир корхонанинг вакиллари иккинчи бир корхонага тажриба айрибошлаш учун борадилар, у ердаги ишлар билан танишадилар. Бироқ қайтиб келингач, оғзаки ёки ёзма равишда ҳисобот бериш билангина чекланадилар. Масалан, Ўзбекистон металлургия заводи вакиллари ўз мусобақадошлари Қозоғистон металлургия заводига бир неча бор бориб келдилар. Лекин шуни айтиш керакки, мусобақадошлар тажрибаси ишчиллик билан жорий қилинмаётир. Шу сабабли ҳам ўзбек металлургларининг процессларини механизациялаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш соҳасида қозоқ металлургларидан эришган даражага ҳали етганларича йўқ. Заводда рационализатор ва ихтирочилар таклифларини амалга ошириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор.

Қурилиш ташкилотларида илғорлар тажрибасини оммалаштириш айниқса қониқарсиз аҳволда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бинокорлик ишларида йиғма темир-бетон қўлланиш соҳасида республикада энг юқори кўрсаткичга эришаётган «Алмаликсвинецстрой» тресті коллективи тажрибаларини барча қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасида ёйишга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётир. Ваҳоланки, областимиз қурилиш ташкилотларида йиғма темир-бетондан фойдаланиш жуда қониқарсиз аҳволда.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини коллектив ўртасида оммалаштириш — мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналаридан маҳсулот олишни тағин ҳам кўпайтириш, севикли Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш ва шу йўл билан меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш имконини беради. Лекин янгилик ўз-ўзидан ҳамма ерга кенг тарқалади ва қарор топади деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Маҳаллий партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари илғорлар тажрибасини жорий этиш йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни енгиб, қолоқлик, консерватизм кайфиятларига қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари зарур. Корхоналардаги новаторлар мактаби ишларини жонлантириш, ишлаб чиқариш кенгашлари, кекса, тажрибали ишчилар билан ёш ишчиларнинг учрашуви, лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриш ва бу ишларга бутун коллективни жалб этиш айниқса муҳимлир.

Яқинда ўз ишини тамомлаган Ўзбекистон инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторларининг республика съезди илғорлар тажрибасини оммалаштириш — муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир, деб алоҳида таъкидлади. Техника пропагандасини ҳар тарафлама кучайтириш, заводнинг кўп тиражли ва деворий газеталари, «Молние», радиоузелларидан ана шу мақсадда фойдаланиш лозим. Илғорлар тажрибасига бағишланган брошюра ва плакатлар нашр этишни жонлантириб юбориш керак. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари бу масалалар билан кун сайин шуғулланиб туришлари, вужудга келаётган янгликни ўз вақтида пайқаб олиб, уни қўллаб-қувватлашлари зарур. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини қанчалик кенг ёйсак ва уларни қанчалик кенг жорий қилсак, социалистик экономикамиз шунчалик мустаҳкамланади, бинобарин мамлакатимизнинг коммунизм томон бориши ҳам шунчалик тезлашади.

Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши

Кеча Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Н. Нуритдинов** «КПСС Марказий Комитети май Пленуми ва Ўзкомпартия Марказий Комитети VIII пленумининг якунлари ҳамда область партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **Ф. Х. Хўжаев**, Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори **И. Г. Анисимкин**, Тошкент кўн комбинатининг бош инженери **М. М. Муллаев**, Тошкент лак-бўёқ заводининг директори **М. Т. Кутиров**, Олтинтопган комбинатининг бош инженери **К. С. Цветков**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг старший илмий ходими **А. Т. Тожиев**, Ўзбекистон металлургия заводининг бош инженери **А. Г. Саленек**, Оҳангарон кўмир разрезининг бошлиги **М. Р. Рамазонов** ўртоқлар чиқиб сўзладилар.

Ўртоқ С. Н. Нуритдинов доклади юзасидан резолюция қабул қилинди.

Партия активи йиғилиши ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. К. Камолов**, республика Министрлар Советининг раиси **М. З. Мирзаахмедов**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари **И. В. Бабков** ўртоқлар қатнашдилар.

Партия активи йиғилиши ҳақидаги тўла ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида эълон қилинади.

Янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб, ҳар бир туп ғўзани сифатли парвариш қилайлик!

☆ ☆ ☆

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РТС, МТС, колхоз, совхозларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг бориши тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпгина РТС, МТС ва совхозларнинг пахта йиғим-терими, кузги дала ишлари учун зарур бўлган ҳайдов тракторлари, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ҳамда тайёрлашни шу вақтгача кучайтириб юбормаганликларини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди. Колхозлар ихтиёридаги техникани ремонт қилиш ва тайёрлаш айниқса қониқарсиз ташкил этилган. Кўпгина МТС ва РТСларнинг раҳбарлари трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини колхозларга сотгандан кейин машиналарнинг яхши ҳолда бўлиши учун гамхўрлик қилмаётирлар, уларни ремонт қилиш ва техника хизматини яхшилашда колхозларга ёрдам бермаётирлар, ҳолбуки, МТС ва РТСларнинг мастерскойларида ҳозир иш унчалик кўп эмас. Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ишларини бундай кечиктириш РТС, МТС, совхоз ва ремонт заводлари мастерскойларининг планли равишда бир меёрда ишлашларига путур етказади ҳамда машина-трактор парклларини ўз вақтида тайёрлашни хавф остида қолдиради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари, область, район партия ва совет ташкилотларининг бу муҳим ишга етарлик эътибор бермаётганликлари, янги шароитда ремонтни тўғри ташкил этиш учун зарур тадбирларни кўрмаётганликлари — машина-трактор парклларида ремонт ишларининг кучайтириб юборилмаслигига сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилди:**

1. Қишлоқ хўжалик министрлиги, РТС, МТС ва совхозларнинг раҳбарларига, область ва район партия, совет ташкилотларига ҳайдов тракторлари, пахта териш, кўрак тозалаш, ғўзапоя юлиш машиналари ва бошқа шу каби ҳозир дала ишларида фойдаланилмаётган бошқа машиналарни ремонт қилиш ва тайёрлашни дарҳол кучайтириб юбориш, бунда колхозлар ихтиёридаги техникани ремонт қилишни тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилсин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига МТС, РТС ва совхозларнинг раҳбарларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) дала ишларида фойдаланилмайдиган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техника ҳолатини ўн кун ичида текшириб чиқишни ташкил этиш, машина-трактор парклларини ремонт қилиш ва кузги дала ишлари даври учун тайёрлаш юзасидан календарь график ишлаб чиқиш;

б) ремонт ишларини бир меёрда ўтказиш заруратини назарга олиб, ремонт қилиш юзасидан колхозлар билан шартномалар тузиш,—трактор ва машиналарни ремонт қилиш учун мастерскойларга ўз вақтида етказиб бериш, ремонт ишларини бир меёрда олиб бориш эса машиналарни техника жиҳатдан доим яхши ҳолда сақлашнинг, ремонт сифатини яхшилашнинг, тан нархини камайтиришнинг ва МТС ҳамда РТСлардаги ремонтчи ишчиларни иш билан етарли таъминлаб туришнинг шартидир;

в) ремонт ишларида поток методи ва янги технология усулини кенг жорий этиб, мастерской ишларида ва ремонтда тан нархини камайтириш ҳамда ремонт техникаси маданиятини ошириш йўли билан РТС, МТС ва совхоз мастерскойларининг бир меёрда ишлашини ташкил этиш.

Ремонт заводларининг моторларни ремонт қилишда ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдланиш;

г) брак ишловчиларга қарши кескин кураш олиб бориб, ремонт ишларининг юқори сифатли бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш.

3. Госпланга, республика Қишлоқ хўжалик министрлигига РТС, МТС, колхоз ва совхозларни запас қисмлар ҳамда ремонт материаллари билан таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 20 июнга қадар РТС, МТС ва колхозларнинг мутахассислари билан машина-трактор парклларида ремонт ишларини янги шароитда ташкил этиш масаласи юзасидан семинар-кенгаш ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, район ижроия комитетларига МТС, РТС ва совхозларда техникани ремонт қилаётган ишчиларга зарур шароит яратиб бериш ҳамда уларнинг юқори унум билан ишлашлари учун МТС, РТС ва совхозларда контроллик ўрнатиш ва уларга барча техникани юқори сифатли ва ўз вақтида тайёрлашда кун сайин ёрдам бериб туриш вазифаси юклатилсин.

Бекободда ғўза зараркунандаларига қарши курашилмаётир

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров билан бригаликла Карл Маркс номли колхознинг қатор бригадалари пахта далаларини айланиб чиқдик. Ғўзанинг аҳволи ҳар хил: бир бригадада ғўза бир-иккитадан шона чиқарган бўлса, иккинчи бригадада эндигина қатқалоқдан бош кўтарган.

4-бригадада бўлганимизда яшил квадратларда барқ уриб ўсиб, бир текис шоналай бошлаган ғўзалар бизни хурсанд қилган эди. Бу бригадада ғўза парвариши белгиланган агротехника муддатларида ўтказилаётганлиги туфайли яхши натижаларга эришилган. Колхознинг С. Раҳимов, А. Муродов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида эса аҳвол бутунлай бошқача. Ишчи кучлари ғўза парваришига тўла жалб қилинмаганлиги, техникадан унумли фойдаланилмаётганлиги сабабли культивация, озиқлантириш ва суғориш ишлари ҳаддан ташқари кечикмоқда. С. Раҳимов бригадасида 14 гектар ердаги ғўза бегона ўтлар орасида қолиб кетган. Ўртоқ А. Муродов бошлиқ бригадада 37 гектар ердаги ғўза ҳалигача бир марта ҳам озиқлантирилмаганлиги сабабли ўсишдан қолиб, саргая бошлаган. 70 гектар ердаги ғўза эса шу кечакундузда сув талаб. Бу йилги шароитда ғўзаларни эрта озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Бригада бошлиғи ўртоқ А. Муродов эса бу ишга бефарқ қарамоқда.

Карл Маркс номли колхоз Ленин номли колхоз билан бир неча йилдан бери мусобақадош, ерлари ерларига туташ, ғўзалари бир ариқдан сув ичади. Наҳотки бир шароитда аҳвол икки хил бўлса! Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари ўз мусобақадошларининг ғўза парвариши соҳасидаги намунали ишларидан ўрнак олсалар яхшироқ бўлар эди. Ленин номли колхознинг ўртоқ М. Эрматов бошлиқ бригадасида 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Асосий карталардаги икки марта сифатли парвариш қилинган ғўзалар 3-4 тадан шона чиқарган. Колхознинг 1, 2, 3-бригадаларида ҳам ғўзаларнинг аҳволи яхши. Карл Маркс номли колхоз аъзолари мусобақадошлардан ўрнак олиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатишлари керак.

Ўртоқ Б. Дўсмуродов раҳбарлик қилаётган Энгельс номли колхознинг А. Аҳмедов, М. Дувлиев бошлиқ бригадаларида ғўзалар 10-15 кунлаб ўсишдан қолган. Бунинг устига асосий карталарда яганалаш тугалланмаган. Бир уяда 5-6 тадан ғўза ғуж-ғуж бўлиб ётибди. Ўртоқ Б. Салимов бригадасида сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Сувчиларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганликлари туфайли, баъзи карталардаги ғўзалар қўллатиб юборилган.

Район колхозларида техникадан, от-улов кучидан унумли фойдаланилмаётир. Буни «Гулистон», «Большевик» колхозлари мисолида яққол кўриш мумкин. Район раҳбарлари бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан колхозларга беш кунлик график тузиб берганлар. Бу график бўйича Навоий номли колхоз раҳбарлари 215 гектар ердаги ғўзанинг иккинчи марта культивация қилинишини, 260 гектар ердаги ғўзанинг озиқлантирилишини таъминлашлари керак эди. Ваҳоланки ана шу беш кунликда тўртта «универсал» ишламай бекор турди, 100 га яқин ишчи кучи дала ишларига жалб қилинмади, натижада фақат 101 гектар ердаги ғўза культивация қилиниб, шундан 100 гектари озиқлантирилди.

«Большевик» колхозида 21 та «универсал» ўрнига фақат 13 та ишламоқда. Шунинг учун ҳам графикда белгиланган 265 ўрнига 20 гектар ердаги ғўза кўндаланга культивация қилинган, холос.

— Бу йил колхозларда ҳам, совхозларда ҳам шира, зарарли ҳашаротлар кўп бўлди, — дейди район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, — олдини олдик, ҳозир самолётлар билан ғўзаларга заҳарли дори сепишни давом эттираяпмиз. ОДН тракторлари ва қўл аппаратларидан ҳам яхши фойдаланаяпмиз.

Афсуски, план бўлимига колхоз ва совхозлардан берилган маълумот бутунлай бошқача. Карл Маркс номли, Энгельс номли колхозларда асосий карталардаги ғўзалар қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ҳали ҳам ем бўлиб ётибди. Карл Маркс номли колхозда 500 гектар ердаги ғўзага ҳашарот тушган. Шундан эндигина 359 гектарига заҳарли дори сепилибди. МТС раҳбарларининг айтишларига қараганда колхозда 15 та қўл аппарати бор. Ҳақиқатда эса 2-3 та аппарат ишлатилмоқда. Агроном ўртоқ О. Исроилов, «иккита ОДН ишлаб турибди» деб айтган эди. Далаларни айланиб, бирорта ОДН ёки қўл аппарати билан ҳашаротларга қарши кураш олиб борилаётганлигини кўрмадик. Ўртоқ Исроиловнинг айтганлари қуруқ гап экан.

1-МТС зонасидаги Навоий номли, «Гулистон» колхозларида ҳам аҳвол худди ана шундай. Навоий номли колхозда ҳали ҳашаротдан тозаланмаган 250 гектарга яқин ер бор. Афсуски, колхоз раҳбарлари бу хавфнинг олдини олмаётирлар. 15 та қўл аппаратининг биронтасидан ҳам фойдаланилмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин! Агар аҳвол ана шундай давом этадиган бўлса, кўпгина ғўза кўчатларининг нобуд бўлиши, оқибатда ҳосилнинг камайиб кетиши турган гап. Колхоз раиси О. Отабоев, бошлангич партия ташкилотининг секретари Т. Абдуллаев ўртоқлар буни унутмасликлари, ҳашаротларга қарши курашни ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари керак.

Ўрни келганда МТСнинг энтимолог агрономи ўртоқ Худоёр Бургинбоев ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтиш керак. У киши колхозларда камдан-кам бўлади, ҳақиқий аҳвол билан таниш эмас, қайси колхозда қанча қўл аппарати бор, қанчасидан фойдаланилаяпти, бу ҳақда аниқ тасаввурга эга эмас. Ўртоқ Бургинбоев фақат ҳашаротлан тозаланган ғўзаларнинг гектарини ҳисобга олиш билан банд бўлиб қолмоқда.

«Чаноқ» ва 2-«Далварзин» совхозларида ҳам ғўза парвариши соҳасидаги ишлар шу куннинг талабига тўла жавоб бера олмайди. Бу совхозларнинг ҳам бир қатор бўлимларида вақтида культивация қилинмаётган, озиқлантирилиб суғорилмаётган ғўзалар нимжон бўлиб ўсмоқда. «Чаноқ» совхозида 71 «универсал»дан шу кеча-кундузда фақат 34 таси ишлаяпти. Шунинг учун ҳам ўтган беш кунликда культивация қилиш графиги лоақал 60 процент ҳам бажарилмади. 920 гектар ўрнига 210 гектар ердаги ғўзага озуқа берилди, холос.

Колхоз ва совхозлар, МТС, район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари шу долзарб кунларда ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари, барча куч ва техниканинг дала ишларига тўла сафарбар этилишини таъминлашлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

☆ ☆ ☆

МЕХАНИЗАТОР — ИШ БОШИ

Бундан икки йил илгари колхоз пахтазорлари қамиш, қиёқ ўсиб ётган тўқайзорга келиб туташарди. Колхозчилар, механизаторлар далада ишлашар экан, «токайгача шу жойлар бизга унум бермай ётади, нима, ерларни ўзлаштириб экин майдонига айлантириш қўлимиздан келмайлими, дейишарди. Гап шу ерларни ўзлаштириш тўғрисида борганда механизатор Серикбой Бекшанов дерди:

— Қўлимизда кучли механизация бор, бундан каттароқ ерларни ҳам ўзлаштиришга қурбимиз етади.

Ишчан механизаторнинг бу гаплари ёш-яланглар ни ғайратлантирди. Улар ҳам шу бригадага аъзо бўлиб киришга ва тўқай ерларни унумлор пахта далаларига айлантиришга қарор қилдилар. Орадан кўп ўтмай иш бошланиб кетди. Тўқай қамиши қуйилирилди, унинг илдизлари қўпорилиб, ер чуқур ҳайдалди. Дастлабки йили ҳосил унча кўп бўлмади, энг муҳими ер экинзорга айлантирилди.

Шу йил кўкламда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти илгариги тўқайзор ўрнида трактор-далачилик бригадаси ташкил қилинишини билдирди. Шунда колхозчилар бу бригадага уста механизатор Серикбой Бекшонов бошлиқ бўлсин, дейишди. Кўпчиликнинг гапи маъқулланди. Бригада аъзолари 70 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Бригаданинг контрактация плани 19 центнер қилиб белгиланган эди, колхозчилар «бу жуда оз, биз камида 26 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз», деб айтдилар ва шу кунларда ўз ваъдаларини шараф билан адо этиш учун ғўза парваришини сифатли ўтказмоқдалар.

Октябрь районидаги Сталин номли колхозда бундан бошқа ҳам трактор-далачилик бригадалари бор. Механизаторлар раҳбарлик қилаётган бу бригадалар даласида ғўза жуда яхши ўсиб нормал ривожланмоқда. Катта майдонлардаги ғўза икки томонлама ишланаётгани ва бу вазифани шахсан бригада бошлиғининг ўзи, механизатор бошқараётганлиги учун пахтадан албатта мўл ҳосил етиштирилади.

Суратда: трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ **С. Бекшонов.**

В. Салов фотоси.

Савдо ходимларининг ташаббуси

«ЎзССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бу йил такрорламаслик мақсадида мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирмоқдалар.

Район марказидаги ташкилотларнинг ходимлари ҳам ишдан бўш вақтларида пахтакорларга амалий ёрдам бераётирлар. Ғўза парваришида иштирок этиб, уларга ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, савдо ташкилоти ходимлари бошлаган ташаббус кишини қувонтиради. Улар эрта кўкламдаёқ совхознинг 1-бўлими территориясидан 10 гектар ер ажратиб олган эдилар. Бу ерларга 60х60 усулида режа сими тортиб экилган чигит ернинг ўз намида бир текис ундириб олинган эди. Совхоз дирекцияси савдо ходимларига Нурохун Собиров бошлиқ бригадада хизмат қилаётган моҳир механизатор Ўртоқ Исмоил Одамановни биркитиб қўйди. Илгари пахтачилик соҳасида анча йил ишлаган, ҳозир эса чойхона мудири вазифасини бажараётган Эргаш ака Йўлдошев савдо ходимларидан ташкил топган звенога бошлиқ қилиб тайинланди.

Звенода ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашилмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Калинин райони (район партия комитетининг секретари **Мажидов**, район ижроия комитетининг раиси **Ғафуров**, район комсомол комитетининг секретари **Эгамбердиев**, район ипакчилик бўлимининг мудири **Муслимов** ўртоқлар).

Верхне-волинск райони (район партия комитетининг секретари **Қодиров**, район ижроия комитетининг раиси **Расулев**, район ипакчилик бўлимининг мудири **Гринева**, район комсомол комитетининг секретари **Пазлиев** ўртоқлар).

Қисқа хабарлар

◆ Шу йил 10 июнда КПСС Марказий Комитетида Австрия Компартияси Марказий Комитетининг делегацияси қабул қилинди. Суҳбат давомида КПСС Марказий Комитети президиумининг аъзолари қатнашдилар.

Суҳбат давомида икки қардош партиянинг вакиллари партия масалалари юзасидан фикр олишдилар. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

◆ 10 июнда француз артистлари ўзларининг янги, учинчи программаларини — «Наутеос», «Идилия» ва «Оқ сюита» балетларини кўрсатдилар.

Москваликлар ўзларига севимли бўлиб қолган солистлардан Иветт Шовире, Мишель Рено, Мадлен Лафон, Марджори Толчиф, Жорж Скибниларни айниқса қизғин табрикладилар.

Спектаклда А. Б. Аристов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ҳозир бўлдилар.

◆ Непал короли ва қироличаси ҳамда уларнинг ҳамроҳлари 11 июнда Сталинграддан Сочига келдилар. Ҳурматли меҳмонлар бироз дам олганларидан кейин денгиз ва темир йўл вокзалларини бориб кўрдилар. «Ривьера» курорт паркида сайр қилдилар. Шаҳар аҳолиси ва курортда дам олувчилар меҳмонларни самимий ва дўстона табрикладилар. (ТАСС).

СССР Маданият министрлигида

11 июнда СССР Маданият министрлиги коллегиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда СССР Маданият министри Н. А. Михайлов КПСС Марказий Комитетининг «Улуг дўстлик», «Богдан Хмельницкий» ва «Чин юракдан» операларига берилган баҳолардаги хатоларни тузатиш тўғрисида»ги қарори ҳақида ахборот берди.

Мажлисда қайд қилиндики, Совет Иттифоки Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети ишчилар синфи курашининг ҳамма даврларида санъат интеллигенциясига ўз қоявий-бадиий дунёқарашини марксизм-ленинизм буюк таълимоти асосида шакллантириш ишида бебаҳо ёрдам бериб келмоқдалар. Коммунистик партия интеллигенцияга коммунистик қурилишда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишда доимий ёрдам бермоқда.

Мажлисда сўзга чиққан совет музика маданиятининг кўзга кўринган арбоблари Д. Кабалевский, С. Лемешев, А. Новиков, А. Свешников, А. Хачатурян, Д. Шостакович ва бошқалар КПСС Марказий Комитетининг айрим композиторлар ижодига ва музика асарларига берилган баҳолардаги хатоларни тузатишга қаратилган қарорини якдиллик билан маъқуллдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги қарори санъат билан халқ турмуши ўртасидаги алоқаларни янада кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам берувчи бутун совет музика маданиятининг янада узлуксиз ўсишини ва ривожланишини таъминлайди. Бу қарор янги ажойиб асарлар яратиш учун композиторларни бирлаштиради ва илҳомлантиради. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Якунловчи машғулотлар уюшқоқлик билан ўтди

Бекобод шаҳар корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда муассасаларида ташкил этилган партия маорифи шоҳобчаларида ўқиш йили муваффақиятли якунланди. КПСС тарихи, марксча-ленинча сиёсий иқтисод фани, кундалик сиёсатни ўрганиш тўгаракларида, сиёсий мактаб, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўрганиш семинарларида юзларча коммунист ҳамда партиясиз активлар қунт билан ўқидилар. Ўқиш коммунист ва партиясиз активларнинг сиёсий ҳамда назарий билим даражасини ошириш билан бир қаторда, уларда катта маънавий қониқиш ҳосил қилди.

Бошланғич партия ташкилотлари ўқув йилини бошлаш олдидан ҳар бир коммунист учун ўқиш формасини тўғри аниқладилар. Ана шунга асосан ташкил этилган тўгарак, семинарларда машғулотларнинг мунтазам ва юқори савияда ўтишини, коммунистларнинг чуқур ва асосли равишда билим олишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрдилар.

Ўзбекистон металлургия заводида ташкил этилган кундалик сиёсатни ўрганиш тўгарагида ўтказилган якунловчи машғулотлар тўгарагининг деярлик барча тингловчилари Коммунистик партия сиёсатининг асосий масалаларини яхши тушуниб олганликларини, улар воқеаларга тўғри баҳо бера олиш имкониятини берадиган даражада билим олганликларини кўрсатди.

Бунга прокат цехининг ишчиси Ўртоқ Бегалиевни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У, пропагандист Ўртоқ Шевко томонидан «СССР халқ хўжалиги Совет ҳокимияти йиллари ичида қандай ривожланди» деб берилган саволга тўла ва мазмунли жавоб берди.

Бегалиев мамлакат халқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида гапирар экан, Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ва Бекобод шаҳри хўжалигининг ривожланишига доир ёрқин мисоллар келтирди.

Тўгаракнинг ҳар бир тингловчиси ҳам якунловчи машғулот вақтида ўтказилган суҳбат давомида пропагандист томонидан берилган саволга аниқ ва пухта жавоб берди. Бу, пропагандистнинг ўқув йили давомида ҳар бир тингловчи билан астойдил ишлаганлиги, унинг активлигини оширишга алоҳида эътибор берганлиги, программа материалини баён қилганда республика ва шаҳар ҳаётидан олинган мисоллардан кенг фойдаланганлигини кўрсатади.

Хильково темир йўл станцияси ҳузурида ташкил этилган кундалик сиёсатни ўрганиш, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ҳузурида ташкил этилган КПСС тарихини ўрганиш тўгараклари ва бошқа тўгарак, сиёсий мактабларда ҳам якунловчи машғулотлар ана шундай юқори савияда ўтди.

Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари бу ўқув йилида кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга айниқса катта эътибор бердилар. Шу мақсадда Ўзбекистон металлургия заводи, цемент комбинати ҳузурида саноат конкрет экономикасини, 704-УНР ҳузурида қурилиш конкрет экономикасини, қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактаби ҳузурида қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш семинарлари, Фарҳод ГЭСда сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараги ташкил этилган эди. Бундан ташқари шаҳар партия комитети ҳузурида иқтисодий мактаб иш кўрди.

Семинар ва иқтисодий мактаб тингловчилари билан йил давомида саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, техника прогрессини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш каби темаларда назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Машғулотларни корхона раҳбарлари, юқори малакали инженер-техник ходимлар ҳамда мутахассислар олиб бордилар.

Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилоти апрель ойида «Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари» масаласига бағишлаб назарий конференция ўтказди. Конференцияда завод партия комитетининг секретари Винокуров «В. И. Ленин меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида. Заводда меҳнат унумдорлигини ошириш ва партия ташкилотининг бу соҳадаги вазифалари» темасида, мартен цехининг бошлиғи Гордеев «Мартен цехида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ҳақида», завод бош механигининг ўринбосари Палластин «Заводда меҳнат унумдорлигини оширишда ёрдамчи цехларнинг роли ҳақида», транспорт цехининг бошлиғи Хмельницкий «Транспорт цехларининг меҳнат унумдорлигини оширишга таъсири ҳақида» доклад қилдилар.

Шунингдек, конференцияда мартен цехининг ишчиси Сушченко, завод марказий лабораториясининг инженери Афанасенко, завод директори Муҳамедов ўртоқлар ҳам сўзладилар ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган янги фикрларни олдинга сурдилар.

Конференция қатнашчилари томонидан қабул қилинган қарорда завод партия, касаба союз комитетлари ва маъмуриятга конференцияда киритилган ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган 120 таклифни амалга ошириш тавсия этилди. Ҳозир ана шу таклифларни амалга ошириш устидан завод партия комитети шахсан контроллик қилиб бораётир.

Цемент комбинати партия ташкилоти эса «Маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўллари» масаласига бағишлаб назарий конференция ўтказди. Конференцияда асосий эътибор машина ва ускуналарнинг қувватидан тўла фойдаланиш асосида ҳар соатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорини оширишга қаратилди. Лекин ҳозирча фойдаланилмаётган катта резервлар борлиги ҳам кўрсатилди. Жумладан, транспорт цехида механизмларнинг қувватидан фойдаланиш коэффициенти 10-12 процентдан ошмайди. Тегирмон цехида фильтрлар ёмон аҳволдалиги сабабли 700-800 килограмм цемент учиб кетади.

Конференция қатнашчилари юқоридаги камчиликларга барҳам бериш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга қаратилган 54 таклиф киритдилар. Бу таклифларни амалга ошириш натижасида маҳсулотнинг таннархи икки ярим процент камаяди, меҳнат унумдорлиги эса ўрта ҳисобда бир процент ортади.

Кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш мақсадида партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши натижа бермоқда. Бунга цемент комбинатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўтган йиллари жуда қолоқ бўлган бу корхона 1958 йилнинг 5 ойлик планини маҳсулотнинг барча турлари бўйича ошириб бажарди, мамлакатга пландагидан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Кўпгина коммунистлар марксизм-ленинизм назариясини мустақил равишда ўргандилар. Ўқиш йили охирида бошланғич партия ташкилотлари ва шаҳар партия комитетида суҳбат ўтказилганида улар марксизм-ленинизм классикларининг айрим асарлари устида қунт билан ишлаганликлари, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, халқаро аҳвол масалаларини жуда яхши ўрганиб бораётганликлари маълум бўлди. «Социалистик Бекобод» шаҳар газетаси редакциясининг ходими Мирсоатов, Фарҳод ГЭС директори Саломов, Ўзбекистон металлургия заводининг ишчиси Перешченков, қурилиш материаллари саноати трестининг ходими Муслимов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янги ўқув йилига тайёргарликни кўчайтириб юборишлари керак.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Ишчан агитаторлар

Октябрь районидаги Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ғўза парваришининг ҳозирги қизғин пайтида колхозчилар ўртасида сиёсий агитация ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Колхозчилар колхоз правлениесининг секретари, агитатор Нуриддин Далимовнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У, 4-бригадага агитатор қилиб бириктирилган. Далимовни деярли ҳар куни тушки дам олиш пайтида бригада дала шийпонида колхозчилар билан жонли суҳбат ўтказаётганини ёки газеталарнинг янги сонидан муҳим ва қизиқарли хабарлардан ўқиб бераётганини кўрасиз. У, суҳбатларни бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бригада аъзолари олдида турган конкрет вазифалар билан маҳкам боғлаган ҳолда ўтказади.

Комсомол агитаторлардан Суннат Исмаиллаев, Хабир Хўжаев ва Рифқат Гадиев ўртоқлар ҳам ўзлари бириктирилган бригадаларда тез-теез суҳбатлар ўтказиб турадилар, деворий газеталар чиқармоқдалар ва социалистик мусобақани ташкил этишда актив қатнашмоқдалар. Шунингдек улар ғўза парваришида ўзлари ҳам шахсан намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Д. СОДИҚОВ.

Кўп тиражли газеталарнинг ишини яхшилайлик

Қуйи матбуот, жумладан кўп тиражли газеталар кенг оммани меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Газеталаримиз фидокорона меҳнатнинг ажойиб намуналари тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқдалар ва ишлаги камчиликларни очиб ташламоқдалар. Қуйи матбуотнинг бевосита ёрдами билан талайгина нуқсонлар бартараф қилинди, кўплаб қимматли янгиликлар ва такомиллаштиришлар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Фабрика-завод матбуоти ўз газетхонларининг меҳнати ва турмушига ижобий таъсир қилаётганлигини кўрсатувчи кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Тошкент шаҳар корхоналарида чиқадиган «Голос сталинца», «Обувщчик» ва «Фрунзевец» сингари кўп тиражли газеталар корхона коллективининг ишлаб чиқариш ва сиёсий ҳаётига доир масалаларни кенг ёритмоқдалар. Газета редколлегиялари прогрессив иш методларини пропаганда қилишнинг янгидан-янги ва таъсирчан формаларини қидириб топаётирлар. Газеталар саҳифаларида инженер-техник ходимлар, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг мақолалари ёритилиб турипти. Илғорлар тажрибасига бағишланиб бутун-бутун саҳифалар берилляпти. Улардаги материаллар ва суратлардан ишлаб чиқариш илғорларининг муваффақиятларини тезда билиб олиш мумкин.

Шунингдек, газеталарда сиёсий мактаб ва тўгараклар, агитколлектив ва агитаторларнинг иши тўғрисида ҳам материаллар ёритилмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг бюроси шаҳар саноат корхоналаридаги кўп тиражли газеталарнинг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бюро ўз қарорида район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари кўп тиражли газеталарга раҳбарликни бирмунча яхшилаганликларини таъкидлади.

Шу билан бирга, шаҳар партия комитетининг бюроси ҳали айрим кўп тиражли газеталар ишида бир қатор камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтди. «Сталенец», «Мотор», «Ворошиловец» ва бошқа газеталар баъзан корхона ҳаётини юзаки ёритадилар, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, хомашёни тежаб-тергаб сарфлаш масалаларига жиддий эътибор бермайдилар. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолияти тўғрисида кам материал босиб чиқаряптилар.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети бюроси баъзи кўп тиражли газеталарнинг редакциялари мухбирлар ва газетхонлар билан етарли иш олиб бормаётганликларини, улар билан инструктив кенгашлар, семинарлар ва газетхонлар конференцияларини мунтазам ўтказиб турмаётганликларини, уларни редакция иш плани билан ўз вақтида таништириб бормаётганликларини қайд қилди.

Кўпгина редакциялар шаҳар партия комитети бюросининг қарорини бажариб, мухбирлар ва газетхонлар билан ишлашни яхшиладилар, газетхонлар конференциялари ўтказдилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши агитаторларнинг тажрибаларини кенг оммалаштирадиган бўлиб қолдилар.

Афсуски, бу фактлар газетхонларимизнинг савиясини характерлай олмайди. Бир қанча кўп тиражли газеталарда партия турмуши масалалари ҳали ҳам бўш ёритилмоқда, оммавий-агитация ишлари, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги етакчилик роли ва бошқалар тўғрисида кам материал берилмоқда. «Гудок красновосточника», «За качество», «Текстильщик» сингари баъзи газеталар эса, партия ва комсомол йиғилишлари ҳақида турли ҳисоботлар ва ахборотлар босиб чиқаришни афзал деб билмоқдалар. Албатта, ҳисоботлар ҳам керак, лекин партия турмуши бўлими шундангина иборат эмас.

Айрим кўп тиражли газеталарнинг саҳифалари коллективнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётига бевосита алоқадор бўлмаган материаллар билан тўлдирилмоқдаки, бу ҳол мутлақо нотўғридир. Мисол учун Тошкент трамвай-троллейбус трестида чиқадиган «Мотор» газетасини (редактори Ўртоқ Толкачев) олиб қарайлик. Газетанинг кўп сонлари ТАССдан олинган ва марказий газеталардан кўчириб босилган материаллар билан банд қилинмоқда. Аҳён-аҳёнда бир марта чиқадиган газета трест ҳаётини қониқарсиз ёритмоқда.

Бундай камчиликлар фақат «Мотор» газетасида бўлибгина қолмай, бошқа қатор фабрика-завод газеталарида ҳам мавжуд. «Сталенец», «За индустриальние кадри» газеталари ҳам ҳар турли умумий мақолаларни, расмий материалларни, катта ҳажмдаги ҳикоя ва повестларни журналлардан кўчириб босмоқдалар. Бу бутунлай нотўғридир.

Шуни унутмаслик керакки, фабрика-завод газеталари ишчилар ва хизматчиларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда корхоналарнинг ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш қуроли бўлмоғи лозим. Кўп тиражли газетанинг хусусияти шундан иборатки, у корхонанинг ишига бошқа ҳар қандай матбуот органидан кўра яхшироқ таъсир кўрсата олади. Бу газета ишлаб чиқаришни уюштириш, ишлаб чиқариш маданияти, социалистик мусобақани, ишчиларнинг меҳнатини ташкил этиш каби турли масалаларни конкрет тарзда ўртага қўя олади. Аммо, ишчиларнинг ўзи ёзган жонли материаллар асосида чиқариладиган газетагина шундай қилиши мумкин. Бу соҳада ҳам «Фрунзевец», «Монтажник» ва «Голос сталинца» газеталари ижобий мисол бўла оладилар.

Газеталарнинг мундарижаси, ундаги материалларнинг савияси кўп жиҳатдан мухбирларни тўғри танлаш ва тарбиялашга, редакциянинг ўз газетхонлари билан доимий алоқада бўлишига боғлиқ. Шунинг учун газета редакциялари коллектив билан алоқани ҳар томонлама кенгайтиришлари, мухбирлар ва газетхонлар билан ишлашни кескин яхшилашлари лозим.

Газетхонлар ва мухбирларнинг талаб ҳамда таклифларига сезгирлик билан қулоқ солиш, уларнинг хатлари устида диққат билан ишлаш — омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир.

Редакцияларнинг вазифаси — ўз активлари билан систематик иш олиб бориш, уларни газетанинг планлари ва тадбирлари ҳақида доим хабардор қилиб туриш, газетага қачон, нимани ва қандай ёзиш тўғрисида уларга тез-тез йўл-йўриқлар бериб боришдан иборат.

Газета материалларининг кам таъсирчанлиги кўп тиражли газеталаримиз ишидаги ғоят катта камчиликдир. Бу камчиликни тугатиш учун партия ташкилотлари газеталар ишига моҳирлик билан раҳбарлик қилишлари керак. Шу билан бирга кўп тиражли газета редакцияларининг ўзлари ва уларнинг бутун активлари ҳам ҳар бир хабарнинг таъсирчан бўлиши учун курашишлари зарур. Кўп тиражли газеталар социалистик мусобақанинг уюштирилишига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Унинг натижалари, ишлаб чиқариш илғорларининг муваффақиятлари ва тажрибалари жонли ва ёрқин қилиб кўрсатилиши керак.

Агитколлективлар ва энг яхши агитаторларнинг тажрибасини чуқур, ҳар тарафлама ёритиш талаб қилинади. Газеталар ишлаб чиқариш кенгашлари ва касаба союзларининг ролини ошириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш учун кураш масалаларини систематик равишда ёритиб бормоғи лозим.

Муваффақиятларимизни пропаганда қилиш, камчиликларни принципиал танқид остига олиш — газеталаримизнинг жанговар вазифасидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, қуйи матбуотимизнинг ходимлари ўз фаолиятларида партия ва ҳукумат қарорларига амал қилиб, коммунистик қурилиш соҳасидаги улуғвор вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Р. НИШОНОВ,
Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Жонажон Ватанимизда



Ленинграддаги С. М. Киров номли ҳарбий медицина академиясида мураккаб хирургия операциялари рангли телевизор орқали олиб кўрсатилмоқда. Операция ўтказилаётган жойдан узоқда бўлган кўпгина врачлар ҳам барча операция процессини телевизор орқали кузатиб туришлари мумкин. Унда операциянинг бориши ва кишининг ички организми жуда тиниқ кўриниб туради. Телевизион камера операция столини ёритиб турувчи махсус лампага улангандир. Бутун ёритиш аппаратураси 8 та лампадан чиқаётган ва умумий қуввати 800 ватт бўлган иссиқлик нурларини ушлаб қолувчи махсус фильтрлар билан таъминланган, бу эса хирурглар иш шароитини анча енгиллаштиради. Янги телевизион установкани Бутуниттифоқ телевидение илмий-текшириш институтининг бир группа инженерлари ишлаб чиққан. **Суратда:** Бутуниттифоқ телевидение илмий-текшириш институтининг бир группа инженерлари операция олдидан телеаппаратурани ҳозирлашмоқда.

А. Бахарев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Сибирь қора металлургияси учун

КРАСНОЯРСК. Геологлар ўлка территориясида темир рудасининг жуда бой манбаларини топдилар. Ер остида қора металлургия учун жуда муҳим бўлган хомашёнинг миллиардлаб тоннаси сақланмоқда. Манбалардан бири — Хакассия автоном областидаги Абакан манбаларидан ҳозирданоқ руда чиқарилмоқда. Руда ортилган эшелонлар Кузнецк металлургия комбинатига юборилмоқда.

Ҳозир Тея кони қурилмоқда. Унинг қуввати 6,5 миллион тоннадир. Тоғлардан оқадиган Тея дарёсининг водисида янги посёлканинг биринчи кўчалари пайдо бўлди. Бинокорлар йилнинг охиригача яна 7,5 минг квадрат метр уй-жой, мактаб, касалхона, клуб, болалар муассасалари қуриб бўлишлари керак.

Баланд тоғларда жойлашган конга борадиган темир йўл тармоғи ва тош йўл ўтказилмоқда. Йўлнинг энг қийин участкаларидан бири яқинда портлатилди. Портлаш натижасида 130 минг кубометр тош-тупроқ кўтарилди. Бу йўл қурилиши Сталинск-Абакан темир йўли билан боғланади.

Ангара-Пит ҳавзаси кўп руда бера олади. Халқ хўжалиги кенгаши Ангара-Пит манбалари районида кон ва бойитиш фабрикаси қуришга қарор берди. (ТАСС).

☆

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети Венгриянинг СССР давлат архивларида сақланаётган архив материалларини Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматига топшириш қарор қилди.

Топшириладиган архив материаллари Венгриядаги бир қанча давлат муассасаларининг 1920-1945 йилларга доир ҳужжатларидан иборат бўлиб, мамлакатнинг мазкур даврга доир тарихини ўрганиш учун катта қимматга эгадир.

Дон ташишга тайёргарлик

Мамлакат темир йўлчилари янги ҳосил дон ташишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ҳозирдаёқ юз мингдан ортиқ ёпиқ юк вагони ремонт қилинди. Уларнинг ҳаммаси станцияларнинг запас йўлларида дон кутиб турибди. Усти ёпиқ вагонларнинг жорий ремонти плани анча ошириб бажарилмоқда. Масалан, май ойида бу план деярлик икки баравар ошириб бажарилди.

Дон ташиш вақтида вагонларнинг эшик жойларини қоплаш учун зарур бўлган шчитлар тайёрланмоқда. Бундай шчитлар минглаб тайёрлаб қўйилди.

Пўлат магистралларида, айниқса мамлакатнинг жанубида, станцияларнинг хўжалиги текширилмоқда. Станцияга олиб борадиган йўллар ва юк ортиш механизмлари аҳволига эътибор берилмоқда, вагон тарозилари ремонт қилинмоқда ва томғалар солинмоқда.

Янги ҳосил йиғиб олинадиган районларга кўп техника — комбайнлар, тракторлар, автомашиналар етказиб бериш керак. Буларни ташиш учун темир йўл платформалари тайёрланмоқда. Шимолий Кавказ, Сталин, Жанубий Одесса йўлларида ва бир қанча бошқа йўлларда қишлоқ хўжалик техникасини ва автомашиналарни қабул қилиб олиш учун юк тушириш майдончалари тамомила тайёрлаб қўйилди. (ТАСС).

Пойтахт олий ўқув юртларида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти маъмуриятга, олимлар совети ва деканатлари студентларнинг имтиҳонларга тайёрланишини яхши ташкил этиш учун ҳамма тадбирларни белгилади. Илгари студентларга иккита ўқиш зали хизмат қилган бўлса, ҳозир 4 ўқиш хона ишламоқда. Кутубхона ва ўқишхоналарнинг иш соатлари ҳам узайтирилди. Шунингдек, институтнинг 26 кафедрасида ишловчи лаборант, ассистент, доцент ва кафедра бошлиқлари ҳам студентларга катта ёрдам бераётирлар.

З. Муҳаммаджонов.

АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Шу кунларда институт кутубхонаси, ўқув заллари, кафедралар, лабораториялар ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бу ерда имтиҳон билан боғлиқ практик машғулотлар, консультациялар ва студентларнинг мустақил ўқишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Институт маъмурияти томонидан белгиланган лаборант ва ўқитувчилар студентларга ўз билимларини мустаҳкамлашда ёрдам бермоқда.

А. Пўлатов.

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Тошкент педагогика институтида 24 миллат вакиллари таълим олмоқда.

Бу йил қозоқ мактаблари учун дарс берадиган ўқитувчилар тайёрловчи бўлимни яна бир группа студентлар битириб чиқадилар.

Институтнинг энг ёш бўлимида таълим олувчи бўлажак кореец тили ва адабиёти ўқитувчилари Корея тарихи, маданияти ва адабиётини ҳам ўрганмоқдалар.

Г. Набойшчиков.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг коллективи давлат планларини доимо ортиғи билан бажариб келаётир. Мотал цехининг илғор ишчиси Ёдгор Одилова смена топширигини 150-170 процентга етказиб бажармоқда. **Суратда:** Ўртоқ Ё. Одилова иш устида.

Қ. Ахмеров фотоси.

Корхона қувватини янада оширамиз

Бизнинг завод мамлакатдаги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг йириклларидан бири ҳисобланади. Кўп минг кишилик коллективимиз мамлакатимиз пахтакорларини бир неча хил мукаммал машина ва механизмлар билан ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар билан тобора кўпроқ таъминлаш учун курашни ҳар томонлама кизитаётир.

Пахтачиликни яқин йиллар ичида комплекс механизациялаштириш — ҳамма ишларни машина ва механизмлар воситаси билан бажаришга кўчишни таъминлаш учун дастлаб зарур бўладиган машиналар чиқаришни кескин даражада кўпайтириш керак. Шунинг учун ҳам биз, машинасозлар янги цехлар қуриш, мавжуд цехларни реконструкция қилиш, эскириб колган асбоб-ускуналарни модернизациялаш, юқори иш унумли автоматлар, конвейерлар ва энг янги агрегатлар ўрнатиш ҳамда барча қувватлардан тўла ва унумли фойдаланиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни ой сайин кўпайтиришга эришмоқдамиз. Ўтган уч ярим ойда заводимиз маркаси билан Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Арманистон, Туркманистон ва бошқа пахта экиладиган республикаларга давлат плани билан ташқари бирнеча миллион сўмлик культиватор, кўрак териш машинаси ва запас қисмлар етказиб бердик.

Қуюв цехи корхона юраги ҳисобланади. Чунки ҳамма машина ва узелларнинг қисмлари дастлаб ана шу цехда тайёрланади. Бу цехнинг қувватини оширмай туриб, машиналар тайёрлашни кўпайтириш бўлмаси. Шуни эътиборга олиб, цехда минг метрга яқин янги ёма йўл қурилди, янги конвейер ишга туширилди, эритилган пўлатни колипларга қуюш учун кичик тельферлар монтаж қилинди. Натижада цехдаги барча асосий ишлар машина ва автоматлар ёрдами билан бажарилаётган бўлди. Бу эса қуюлма ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришни таъминлади. 3-механика-йиғув цехи ҳозирги замон техникаси талаблари асосида реконструкция қилинди. Ҳозирги пайтда цехнинг автомат ва ярим автоматлар ўрнатилган айрим участкаларида илгаригидан 6-7 баравар кўп детал тайёрланаётир.

Ҳамма иш процесслари автоматлаштирилган йирик электрод цехининг ишга туширилиши бизнинг завод учунгина эмас, балки республикамиздаги барча машинасозлик заводлари учун ҳам катта қулайликлар туғдирди.

Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, социалистик мусобақани ҳар томонлама қизитиб юбориш натижасида ҳозирги пайтда заводнинг деярлик ҳамма цехида ойлик ва квартал планлари ортиғи билан бажарилаётир, смена топширигини бажармайтиган ишчилар сони тобора камайиб, ишлаб чиқариш новаторлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Бу курашда бизнинг цех коллективи ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир. Цехимиз ишчилари машиналарнинг энг асосий қисмларини механик ишловдан чиқаради ва йиғадилар. Механика участкасининг мастери Ажибилолов, пайвандлаш участкасининг старший мастери Косенко, йиғув участкасининг мастери Кливонос ўртоқларнинг ишга оператив ва малакали раҳбарлик қилишлари, слесарь Сахатов, пармаловчи Ёқубов, пайвандчи Полупанов, йиғувчи Илёсов ўртоқлар сингари ўнлаб новаторларнинг кундалик топшириқни систематик равишда 150-200 процентдан бажаришлари натижасида цехга суткасига планлан ташқари 15-20 талан узел тайёрланаётир.

Янги машиналар тайёрлашни ўзлаштириш ва тажрибада синалгандан кейин аниқланган камчиликларни тезда тугатиш соҳасида ҳам заводимиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари самарали ишлар қилмоқдалар. Ўтган йили НК-0.3, НКУ-4,6 КЗУ-0.3 маркали янги машиналар ўзлаштирилган эди. Уларнинг дастлабки партияси колхоз мутахассислари, МТС механизаторлари ва завод ходимлари билан биргаликда узоқ муддатда синовдан ўтказилгач, машиналарнинг бир қанча жиддий камчиликлари борлиги аниқланди. Бу йил ана шу камчиликларнинг кўпи тугатилди ва қолганлари тугатилаётир. Заводимиз конструкторлари ва технологлари иш органлари такомиллаштирилган, торқаторлаб чигит экалиган янги сеялка тайёрламоқдалар. Унинг тажриба нусхаси тез кунларда машина синаш станциясига юборилади. Ҳисобларга кўра янги сеялка шу пайттача чиқарилган шу типдаги машиналарга қараганда жуда кўп афзалликларга эга.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарори биз машинасозлар зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Бизнинг энг асосий вазифамиз пахтачиликни комплекс механизациялаш учун колхозларга юқори иш унумли, мустаҳкам ва мукаммал машиналарни кўпроқ етказиб беришдан, янги ва энг янги машиналарни ишлаб чиқариш учун курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришдан иборатдир. Шу пайттача ўз аҳдини шараф билан оклаб келаётган заводимиз коллективи мана шу олижаноб ва муҳим вазифани бажаришда ҳам илғорлар сафидан албатта муносиб ўрин олади.

Ханим ШОКИРОВ,
«Чирчиксельмаш» заводи 2-механика-йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишини тўғри ташкил этайлик

Ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардандир. Об-ҳаво шароити ноқулай келиб катта-катта майдонлардаги ғўзаларга шира, трипс ва бошқа ҳашаротлар кўплаб тарқалган бу йилги шароитда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни сира ҳам кечиктирмаслик талаб қилинади. Мўл ҳосил етиштириш учун астойдил бел боғлаган колхозчилар, совхоз ишчилари бу соҳада ибрат бўларли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, бир қатор колхозларда ҳашаротга қарши курашда агротехника қоидалари бузилаётир. Бунга Янгийўл районидаги аҳвол мисол бўла олади. Бу районда ширага ва трипсга қарши кураш чоралари яхши натижа бермаётир. Касалланган ғўзалар соф дуст ва гексахлоран билан чангланмоқда. Ҳар гектар ердаги ғўзага нормадаги 20 килограмм ўрнига 40-50 килограмм заҳарли модда сарфланмоқда. Тўғри, бу миқдордаги дори трипсларнинг бутунлай қирилиб кетишини таъминлайди, аммо ширага эса кам таъсир қилади. Бунинг устига колхозларда ғўза зараркунандаларига қарши курашадиган махсус бригадалар ташкил этилмаган. Бу муҳим иш кўп жойларда аёллар ва ўсмирларга топшириб қўйилган. Улар ғўзага супурги ва дока халталчалар билан дори сепадилар. Ваҳоланки, гексахлоран заҳарли модда, уни эҳтиёткорлик чорасини кўрган ҳолда ишлатилмаса киши соғлиғи, айниқса аёллар соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Шунга қарамасдан колхоз раҳбарлари ҳашаротга қарши курош ишида қатнашаётганларни комбинезон, респиратор, кўзойнак ва қўлқоплар билан таъминлашга етарли эътибор бермаётирлар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг буйруғида шира ва трипс тушган майдонлардаги ғўзалар 100 килограмм гексахлоранга 3 килограмм анабазин сульфат қўшиб — ҳар гектар ерга 150 — 120 килограмм дори сарфлаб чанглатилсин дейилган. Тўғри, шундай қилинса яхши натижаларга эришилади. Лекин бу дорини тайёрлашни механизациялаштириш тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Хўш, ўртоқ Бондаренко, қани ўзингиз колхозга чиқиб қўлда ана шу дустдан лоақол 1—2 гектар ерга етадиган дори тайёрлаб беринг, противогаз, қўлқоп, комбинезонсиз бу дорини тайёрлаш қандай мушкул иш эканлигини билиб оласиз. Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, дори тайёрлабаралаштириб берадиган махсус машиналарсиз ҳашаротга қарши кураш ишини тезлаштириш ва бу соҳада кўнгилдагидек натижага эришиш қийин. Сабаби, ҳозирги лайтда икки гектарга етадиган дорини қўлда тайёрлаш учун бир киши камида 2 соат вақт сарфлаши керак. Наҳотки бу ишни механизациялаштириш мумкин эмас?!

Меркантафос заҳарли моддаси ҳам ғўза зараркунандаларига қарши курашда яхши натижа беради: 0,8 грамм меркантафосга 1 литр сув қўшиб дори тайёрланиб шундан бир гектар ерга 300 — 400 литр сарф қилинади. Меркантафос билан пуркалган ғўзалардаги ҳашаротлар тез қирилиб битади. Янгийўл районидаги колхозларда хусусан 2-МТС зонасидаги колхозларда 2800 гектар ерга етадиган меркантафос запаси бор. Бироқ бу дори сақланадиган хоналар қулф! Бунинг сабабини суриштирсангиз, «меркантафосдан ўргимчакканага қарши курашда фойдаланамиз», деган мужмал жавобни оласиз!

Ғўза зараркунандаларига қарши кураш ишининг кўп жойларда сифатсиз ўтказилаётганлигига сабаб бўлаётган камчиликлардан яна бири ғўза зараркунандаларига қарши курашувчиларга ҳақ тўлашда ҳар хилликка йўл қўйилаётганлигидир. Қишлоқ хўжалик министрлигининг кўрсатмасида уларга 1,5-1,75 меҳнат куни тўлансин деб очиқ айтилган бўлишига қарамай, кўп колхозларда бунга амал қилинмаётир, моддий манфаатдорлик принципи бузилмоқда. Масалан, Сталин номли колхознинг техниклари Эргаш Йўлдошев ва Хворягин ўртоқлар 20 йиллик иш стажига эга бўлишларига қарамай, уларга 1,25 меҳнат куни ёзилмоқда. ОДН чанглагич ва пуркагич машиналарини ишлатаётган тракторчиларга ҳам кам меҳнат куни ёзилаяпти. Бу ишнинг сифатига таъсир қилмоқда. Масалан, Свердлов номли, Сталин номли, «Коммунизм» сингари колхозларнинг дори сепилган деб айтилган далаларида бўлганимизда шу нарса аниқландики шира, трипс билан зарарланган карталар сводкада кўрсатилганидан кўп. Негаки, сон орқасидан қувилиб ишнинг сифатига эътибор берилмаган. Бироқ, бу аҳвол колхоз раҳбарларини ташвишлантирмаётир. Район колхозлари ҳашаротга қарши курашда ишлатилаётган қўл аппаратлари билан тўла таъминланмаган. Районда ўртоқ Прокудин раҳбарлигидаги авиоотряд бор. Бироқ бу отряднинг иш фаолияти колхозлар билан шартнома тузишдан нарига ўтмаётир, колхозларга ўз вақтида самолёт етказиб берилмаётир. Юқоридаги камчиликлар тезда тугатилса, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишида яхши натижаларга эришиш мумкин.

И. БЕССОНОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.



1-«Далварзин» совхозида бу йил арпа ҳосили мўл бўлди. Шу кунларда совхозда арпа ўрими қизитиб юборилди. Кейинги беш кун ичида ҳар гектар ердан 15 центнердан арпа ҳосили олиниб, давлатга 45 тонна арпа топширилди. Бу соҳада комбайнчи Василий Креченько айниқса унумли меҳнат қилмоқда. У ўз агрегатидан яхши фойдаланиб, кунига пландагі 7 ўрнига 10-12 гектар ердаги арпани ўраётир. **Суратда:** совхознинг 2-бўлимида арпа ўриш пайти. Комбайнни ўртоқ **В. Креченько** бошқармоқда.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Маккажўхорининг иккинчи парвариши кучайтирилди

Акбарали ака бригадасида пахта майдонлари кузда шудгор қилинган, ўз вақтида яхоб берилиб, ернинг шўри ювилган эди. Бригада аъзолари чигит экишга эрта киришиб, бу ишни ҳаммадан олдин тугалламоқчи эдилар-у, бироқ об-ҳаво инжиқлик қилиб, иш бирмунча кейинга сурилиб кетди. Аммо тажрибали деҳқон бошлиқ колхозчилар қачон ёмғир тиниб ер тобига келади, деб қўл қовуштириб ўтирмадилар. Фурсатдан ўринли фойдаландилар, яъни ер тобига келгунга қадар бригада аъзолари маккажўхори экиш ишини бажардилар. Натижа ёмон бўлмади. Моҳир механизатор ўртоқ А. Жўраев 18 гектар ерга эккан маккажўхори тез ва бехато униб чиқди. Бу вақтга келиб ҳаво жўнашиб, кунлар исиб кетган эди. Бригада аъзолари астойдил меҳнат қилиб, чигит экишни ҳам қисқа муддатда сифатли тугаллидилар.

Биз яқинда шу бригаданинг далисида бўлдик. Чигит текис унлириб олинган, ғўза парвариши ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бригада аъзолари маккажўхори парваришини ҳам сифатли ўтказаётирлар. Бу соҳада механизатор А. Жўраев ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Бригада аъзолари маккажўхорининг биринчи парваришини тугаллаб, шу кунларда иккинчи парваришни ҳам ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

—Илгарилари маккажўхори парваришига етарли эътибор бермас эдик, — дейди бригадир Акбарали ака Йўлдошев, — лекин маккажўхоридан кўплаб силос бостирмасдан туриб, чорвачилик маҳсулотларини сероб қилиш анча оғир иш эканлигини билиб олдик. Бу йил шу ерларга экилган маккажўхоридан 700 тонна силос бостирмоқчимиз.

Гулистон районидаги Ленин номли колхозда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам йилдан-йилга ривожлантирилмоқда. Колхоз аъзолари бунга биринчи навбатда ем-хашакни кўпайтириш, маккажўхоридан кўплаб силос бостириш туфайли эришмоқдалар. Колхозда бу йил ҳам чорва моллари учун табиий ўтлардан пичан тайёрлаш, шунингдек маккажўхоридан силос бостиришга катта аҳамият берилаётир.

М. АБДУРАИМОВ.

Паркент районининг чорвадорлари сут тайёрлаш ва закупка қилиш йиллик планни бажардилар

Аҳоли жон бошига сут, гўшт, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисидаги партиямиз томонидан қўйилган вазифанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилаётган Паркент районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шу йилнинг 10 июнига қадар сут тайёрлаш ва закупка қилиш йиллик планини бажардилар: давлатга пландаги 8 минг 275 центнер ўрнига 8 минг 300 центнер сут топширилиб, план 100,3 процентга етказиб бажарилди.

Райондаги Сталин номли колхоз аъзолари бу соҳада айниқса катта ютуқларни қўлга киритдилар. Колхозда сут тайёрлаш плани 150 процент, шунингдек Ленин номли колхозда эса сут тайёрлаш йиллик плани 142 процентга етказиб бажарилди. Ленин номли колхознинг илғор сут соғувчиси ўртоқ У. Нишонова шу йилнинг 5 ойи давомида ўзига биркитилган ҳар бош соғин сигирдан 1246 килограммдан сут соғиб олди. Сталин номли колхознинг моҳир сут соғувчиси ўртоқ Ш. Тошпўлатова ҳам сут соғиб олиш юзасидан белгиланган 5 ойлик планни ошириб бажарди.

Паркент районининг чорвадорлари йил охирига қадар пландан ташқари давлатга яна 500 тонна сут топшириш мажбуриятини олдилар.

Мактаб ва меҳнат

Бўстонлиқ районидаги 1-ўрта мактабнинг ёш мичуринчилари 2 йилдан буён Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашмоқдалар. Айрим ўқувчиларнинг кўкракларида БҚХВ медали ярқираб турибди.

Мактабнинг 2 гектар тажриба участкасидаги узум, ўрик, олма, олча, гилос, анор, анжирга ҳам масини ўқувчилар етиштирганлар. Ёш боғбонлар мактабда билим олиш билан бирга меҳнатсевар кишилар, боғбон бўлиб ҳам етишмоқдалар.

С. Эрматов.

* * *

Мирзачўл районидаги 13-мактаб ўқувчилари «Комсомолнинг 40 йиллиги» колхозининг 24 гектар ерига тажриба учун чигит экканлар. Ҳозир бу майдонда бир текисда униб чиққан ғўзалар яхши парвариш қилинмоқда.

И. Мадатов.

* * *

Калинин районидаги 14-мактабнинг ёш пиллачилари ўзлари боққан бир қути уруғдан 90 килограмм пилла ҳосили бериш учун курашиб, муваффақиятга эришдилар.

Т. Шоисмонлов.

* * *

Паркент районидаги 1-ўрта мактаб комсомоллари колхозчиларга актив ёрдам бераётирлар. Улар «Коммуна» колхозининг 200 гектар еридаги пичанни ва 30 гектар ердаги бедани ўриб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ғ. Маъмуров.

* * *

Ўрта Чирчиқ районидаги 3-ўрта мактаб ўқувчилари бир қути пилла қурти уруғидан 80 килограмм пилла ҳосили етиштирдилар.

Қ. Исроилов.

Ёш ҳаваскорларнинг кўрик спектакли

Шу кунларда Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг ёзлик биносида Тошкент шаҳар бадиий ҳаваскорлик драма коллективларининг кўриги бўлиб ўтмоқда. Кўрик Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройининг ёш ҳаваскорлари кўрсатган «Ғунчалар» спектакли билан бошланди.

Спектаклни саҳналаштиришда тўгаракнинг бадиий раҳбари ўртоқ М. Фаттоховнинг хизмати катта. Шунингдек, асарни тайёрлашга кенг авторлар коллективи жалб этилди. Музика раҳбари Ф. Шамсуддинов, хормейстер Ф. Файзи ўртоқлар спектаклнинг жонли ва қизиқарли чиқиши учун кўп ижодий меҳнат сарф қилдилар.

Ҳаваскорлардан М. Каримов савдогар Жиянбой ролини, А. Зокирова чўри қиз Гулнора ролини, Н. Омилбеков Маҳсим ака ролини, Ҳ. Хўжаев, Мирза Шариф ролини маҳорат билан ижро этишиб, тамошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Тошкент шаҳар бадиий ҳаваскорлик драма коллективларининг кўриги яна бир неча кун давом этади. Бу кўрикка кўпгина ҳаваскорлик коллективлари пухта ҳозирлик кўришган. Тошкент тўқимачиларининг ёш ҳаваскорлари кўрикда «Далада байрам» спектаклини ҳам кўрсатадилар.

Музика маданиятимизнинг янада равнақи учун!

☆ ☆

Ҳалқчил ва замонавий музика асарлари яратамиз

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ дўстлик», «Богдан Хмелницкий» ва «Чин юракдан» операларига берилган баҳолардаги хатоларни тузатиш тўғрисида» деб чиқарган қарори совет композиторларини, шунингдек ўзбек композиторларини ҳаётимизни ёрқин ва чуқур акс эттирадиган йирик музика асарлари яратишга илҳомлантирди. Халққа манзур бўлларли музика асарлари яратиш биз композиторларнинг шарафли бурчимиз. Ўзбекистонлик композиторлар республикамиз пахтакорларининг меҳнат зафарлари ҳақида бирмунча оригинал ва ёқимли асарлар яратдилар. Композиторлардан С. Юдаков, И. Ҳамроев, Ғ. Қодиров ва бошқаларнинг қишлоқ хўжалик новаторлари темасида яратган янги қўшиқлари халқимизга манзур бўлаётир.

Мен ҳам пахтакорларимизнинг ажойиб меҳнатлари ҳақида бир қатор асарлар ёздим. «Пахтакорлар ҳақида кантата» ва бошқа асарларим ана шулар жумласидандир. Композитор Д. Зокиров билан ҳамкорликда яратган «Далада байрам» музикали драма ҳам колхоз темасига бағишланган. Мазкур қарор ижодий планимни қайта кўриб чиқишга даъват этди. Мен ана шу планга асосан замонавий темада янги симфоник асарлар ёзишга киришаман. Бу асарларимнинг ёрқин, халқчил ва ёқимли бўлишига алоҳида эътибор бераман.

Яқинда мен ўзбек совет адабиётининг асосчиси, драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида опера ёзишга киришдим. Гарчи, операни бошлаб қўйган бўлсам-да, унинг композициясини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Мен бу асарда халқ қатнашадиган саҳналар музикасининг жозибадор бўлишига катта эътибор бермоқдаман. Келгусида ёзиладиган асарларим учун янги услуб, янги формалар излашга ҳаракат қиламан.

Собир БОБОЕВ,
композитор.

Қарордан руҳланиб

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ дўстлик», «Богдан Хмельницкий» ва «Чин юракдан» операларига берилган баҳолардаги хатоларни тузатиш тўғрисида» 1958 йил 28 майда чиқарган қарори музика маданиятимиз тараққиёти учун муҳим программа бўлди. Чунки, мазкур қарорда атоқли композиторларимиз ижодига баҳо беришда бирёқламаликка йўл қўйилгани алоҳида қайд қилиб ўтилган. Чиндан ҳам айрим йирик музика асарларига ўз вақтида ҳаққоний ва объектив баҳо берилмаган эди. Айрим композиторларимиз асарларидаги мавжуд баъзи камчиликлар бўрттириб, халққа ёт асарлар даражасигача олиб борилган эди. Опералар ҳақидаги бу янги қарор йўл қўйилган нуқсонларни конкрет кўрсатиб бериши билан бирга совет композиторлари зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Жумладан, республикамиз композиторлари мазкур қарорга амалий ишлар билан жавоб беришга киришдилар.

Халқимизнинг дид ва характерига мос келувчи музика асарлари яратиш—композиторларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Тўғри, ўзбек композиторлари халқчил, оҳангдор ва мазмунли асарлар яратдилар. Бироқ, бу ҳали етарли эмас. Биз халқимиз учун гоявий етук, замонавий музика асарлари яратишимиз лозим.

«Улуғбек» операсининг биринчи вариантида халқ руҳи етарли очиб берилмаган, оммавий саҳналар кам эди. Мен ана шу камчиликларни тузатиш ҳамда халқчил опера яратиш устида узоқ ишладим ва «Улуғбек» операсининг иккинчи вариантини тамошабинларга тақдим этишга муяссар бўлаолдим. Шунингдек, совет ва ҳинд халқлари дўстлиги темасида яратган «Ҳиндистон поэмаси»да олинган темани миллий руҳда очиб беришга ҳаракат қилдим. Шу кунларда қарордан руҳланган ҳолда ўзбек халқ фольклор темаларини тўплаш ва уларни қайта ишлаш устида қизғин иш олиб бораётирман. Шунингдек, шоир Фурқат юбилейи кунига атаб унинг шеърларига тўқилган куйларни оркестрлаштириш устида ҳам ишлаётирман. Бу, менинг фурқат юбилейига тайёрлаган муносиб совғам бўлади.

Биз, Ўзбекистон композиторлари янги-янги йирик музика асарлари яратамиз.

А. Ф. КОЗЛОВСКИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Меҳнаткашлар талаб қилмоқдалар"

Боёвут район «Дружба» совхозидаги 39-мактаб ўқитувчиси Ўртоқ Зикриёев редакциямизга ёзган хатида совхоз территориясидаги ҳаммом биносини қураётган «Промгражданстрой»нинг 2-қурилиш бошқармаси ишни чўзиб юборганини кўрсатган эди. Хат газетамизнинг шу йил 19 март сонида босилиб чиқди.

Боёвут район ижроия комитетидан редакциямизга хабар қилишларича, газета материали «Дружба» совхози партия ташкилотининг йиғилишида қурилиш ташкилотининг вакиллари иштирокида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилган. Партия йиғилиши қурилиш ишларини тезлаштириш тадбирларини белгилаган. Ҳаммом биноси битказилиб, май ойида фойдаланишга топширилган.

ВОДИ ГУЛЛАРИ

(ОЧЕРК)

Ложувард осмон нурга чўмган. Ўзоқдаги қашқатоғ ўнгирларида яширинган пағa булутлар оқ мармардай ярқирайди. Ер қизиб, ҳаво тўлқини ер бағирлаб ғўзга билинар-билинмас живирлайди. Барра ғўза кўчатлари бўй чўзиб, келинлардай сеп кийишга шошилади, яшил барглари шабадада ўйнаб қуёш меҳрига интилади. Файзли ёз фасли!

Эзнинг ана шундай унутилмас гаштли ва серташвиш кезларида Пирим Жапоқов ўзини қаерга қўйишини билмайди. У, тонгдан қош қорайгунча ҳар бир кўчат билан тил топиб, суҳбатлашгандай эгат оралайди.

Мана бугун ҳам у далага тонг бўзарганда чиқди. Ундан хиёл кейинроқ Раҳимжон Абдуллаев универсалини йўргалатиб келиб қолди. Жапоқов Раҳимжоннинг звеносига жуда катта умид боғлаган. Раҳимжон тюпкочи звенони бошқармоқда. Беш кишидан иборат бу янги звено 40 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Беш киши 40 гектар ерда ишни ўринлатяпти, бригаданинг қолган аъзолари ҳам ғайратда.

Жапоқов Раҳимжонга тикилди. Раҳимжон моторни юргизиб қўйиб, бошини трактор белига энгаштириб, алланимага қулоқ соларди.

— Юрак уриши жойидами? — сўради бригада бошлиғи Жапоқов ҳазиллашиб звеновойдан.

— Отдай, фақат рулга маҳтал, — деди Раҳимжон мойли қўлларини артар экан.

— Ундай бўлса жуда соз, ҳозирданоқ ғўзангизни кўндалангига культивация қилишга киришасиз.

Раҳимжон жавоб бериш ўрнига ўйланиб қолди. Чунки у ғўзани бугун узунасига ишламоқчи эди. Ер етилиб қолган. Эрта-индин яна суғоришни талаб этиб қолади. Жапоқов Раҳимжоннинг жавобини кутиб ўтирмай аҳволни тушунтиракетди.

— Ерингизда ёввойи ўт пайдо бўлаяпти. Энг биринчи вазифа ана шу текинхўрларни битта ҳам қолдирмаслик-да! Томир отишга йўл қўйманг, таги-томири билан йўқотинг!

— Мен ҳам шундай қилмоқчи эдим, — деди Раҳимжон, сўнг трактورга ўтириб, уни ўрнидан қўзғатар экан, баланд овоз билан қичқирди, — сиз айтгандай ишлайман. Аъзолар бўлса нариги картани чопиқ қилишга борадилар.

— Ҳамма нариги картада бўлади. Аъзоларингиз тез етиб келишсин, — деди Жапоқов Раҳимжон билан хайрлашиб, шийпонга бурилар экан.

Жапоқов шийпон остонасига қадам қўяр экан, хоналардан бирида кимнингдир ивирсиб юрганлигини кўрди. Деразанинг бир тавақасини очиб ичкарига мўралади:

— Салом Яхшигул опа, шу ердамисиз? — деди бригадир ясли мураббиясини таниб. Ичкаридан аёлнинг овози эшитилди:

— Эртароқ келмасам бўлмайдиган, шошилиб қолаяпман. Оналар ишга жуда барвақт чиқадиган бўлиб қолишди. Эрта келиб, уёқ-буёқни йиғиштириб, болаларни кутиб турибман.

— Болалари тинч бўлса оналари яхши ишлайди дейсизда, — деди бригадир, сўнг йўлда келаётган оналардан хабар бериб, сўзини давом эттирди, — эрматойлар келишаяпти, энди кутиб олаверасиз. Айтмоқчи, андижонлик аъзоларимизнинг болалари ҳам келишаяптими?

— Келишаяпти. Оналари хурсанд.

Жапоқов гўдакларини кўтариб келаётган оналарга йўл бериб, улар билан саломлашиб, дориланадиган картага йўл олди. У йўл-йўлакай борар экан, андижонлик янги аъзоларни — Хабибжон Неъматиллаев билан Юсуфжон Ниёзовларни ўйлаб кетди. Улар Андижоннинг Кўрғонтепа районидан яқинда кўчиб келдилар. Мирзачўлнинг иссиқ меҳри уларни ўз бағрига чорлади. Улар интизор она кўксига интилган фарзандай, Мирзачўл даштларига зўр меҳр-муҳаббат билан келдилар. Нур устига-нур деганларидай, мардлар қаторига янги шерзотлар келиб қўшилди. Мана бугун Мирзачўлнинг қоқ кўксида ўзлаштирилган янги ерда Ҳабибжон ва Юсуфжонлар ўз оила аъзолари билан бирга бошқа районлардан илғари вақтларда кўчиб келган ватанпарвар пахтакорларга ҳамкор бўлиб «оқ олтин» конларини яратмоқдалар.

Жапоқов 3 ва 4-звеноларнинг 50 гектарлик яхлит ерига етиб келди. Бу ерда йигирма беш чоғлиқ киши тўпланган. Икки звено ғўзаларини шира бостан. Бригадир дориларни тайёрлашга буюрди. Иш бошланиб кетди. Унга яқин киши дори сепишга киришди. Қолганлари қўшни далада чопиқни бошлаб юбордилар. Уларнинг орасида ишлаётган Ҳабибжон билан Юсуфжонларнинг қўли-қўлига тегмасди.

Ҳаммадан олдинда дори сепиб келаётган бир колхозчи Жапоқовга яқинлашганда, қадамини секинлатиб, бригадирга мурожаат қилди:

— Дори чамамда камлик қиладиганга ўхшайди. Яна пича келтирмасак бўлмайди. У 4-звено бошлиғи Усмонқул Алимқулов эди. Жапоқов ҳамма вақт эҳтиёткор ва жонқуяр бу пахтакорнинг илтимос ва маслаҳатини бажони-дил бажариб келади. Ҳозир ҳам унинг илтимосини қувватлаб, хурсанд жавоб қайтарди.

— Доримиз кўп, бироздан кейин олиб келамиз...

Звено бошлиғи «раҳмат» дегандай жилмайиб бош қимирлатди. Жапоқов эгат оралаб Алимқулов билан бирга юриб борар экан, нимжонроқ ғўза кўчатларини кўрсатди.

— Ширани-ку, бир илож қилиб йўқотаяпмиз-а, лекин ғўзанинг 10-15 кун ўсишдан кечикаётганилгини қандай йўқотамиз?

Бу жиддий савол эди. Звено бошлиғи анча жойгача индамай, ерга қараб борди. У, гўё оёқ остларида энди 3-4 барг чиқарган ғўзаларни кўриб, «юз кўру, ҳол сўр» деганларидай, маслаҳатли жавоб изларди.

Бригада бошлиғи ўнг томондаги катта картага бир қараб олиб, у ерни тилга олди:

— У картага борсанг, юзинг ёришади. Ғўза шоналаб ётибди. Бу картага келсанг, шонадан нишона йўқ. Унинг устига ўт билан шира босган. Биз у ердан ҳам, бу ердан ҳам гектар бошига 30 центнердан ваъда бергамиз-ку. Ёки бу ернинг камтигини у ер кўтариб кетадими?

Звено бошлиғи қошини чимирди:

— Юкимизни бошқага кўтартирмаймиз. Илгари кечиккан бўлсак, энди отни қамчилаймиз. Биз жўжани кузда эмас, саратонда санамоқчимиз. Пахтамизнинг кўсаги уларникидан кам бўлса, ўшанда нима десангиз, майли.

— Тўғри айтасиз, — деди Жапоқов. — Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Нима керак бўлса, правление етказиб бермоқда. Шундай экан, чиндан ҳам отни энди қамчилаш керак.

Шу гап ўтганига бир неча кун бўлди. Алимқулов звеноси ўзига қарашли ғўзани ўнглаб олди. Кечалари сув қўйди, озиқлантирди, икки томонлама культивация қилди. Ўт ва зараркунандалардан тозаланган ғўза кўчатлари ўзини кўрсатиқўйди. Энди Алимқулов ғўзани қийгос гуркиратиш тараддудида.

Бригада бошлиғи Пирим Жапоқов уватдан бардам юриб бормоқда. Унинг юзида янги зафарга отланган ботирнинг қатъияти сезилади. У узоқларга — қаерлардадир қарайди. Янги ўтқазилган дарахтзорлар орқасидан Раҳимжон тракторининг бир меёрдаги гуруллаши эшитилади. Яна қаерлардадир қизларнинг қўшиғи. Узоқда улкан экскаваторнинг баланд ковши осмонга кўтарилиб тушмоқда.

— Киров канали кенгаймоқда, — деб кўйди ўзича Жапоқов, — сув яна мўл бўлади.

Шу сўзни айтди-ю, бу сўз унинг хаёлини узоқларга олиб кетди. Жапоқов ўзи туғилиб ўсган Ховос районидаги «Қўқони» қишлогини эслаб кетди. Унинг ёшлиги ана шу қишлоқда ўтган. Бу қишлоқ жазирама, сувсиз даштда қайси бир замонларда пайдо бўлган, энг кўримсиз қишлоқлардан бири эди. Бийдай даштда 5-6 пастқам уйли қишлоқ ҳам бўладими. Бундай қишлоқ бўлса, у албатта «Қўқони» қишлоғидир. Энди бу қишлоқнинг қиёфаси ҳам, номи ҳам ўзгариб бормоқда. У ерга Сирдарёдан сув келтирилиб, «Фарҳод» совхози ташкил этилган. Жапоқов билан суҳбатлашиб қолсангиз:

— Мирзачўлга сув ахтариб, деҳкончилик қилиш учун келганмиз. Ўтмишда бу ерга келмоқчи бўлган кишилар кўзада сув олиб йўлга чиқарди, — дейди.

Эндиликда сув танқислиги йўқолмоқда. Мирзачўл каналлари чўл бағрига қўл чўзиб, сайқал бериб бормоқда. Киров каналида ишлаётган экскаватор ҳам янги магистралларга сув етказиб бериш учун канал бағрига човт солмоқда.

— Буларнинг ҳаммаси улуғ доҳимиз Ленин туфайли, жонажон партия ва ҳукуматимиз туфайли бўлди, — дейди Жапоқов уфқдан ярқираб оқаётган каналларни кўрсатиб.

Жапоқов сизни яшил квадратлардан, мевазор боғлардан, лиммо-лим тўлиб оқаётган ариқлардан олиб ўтади. Обод қишлоқларни, хонадонларнинг янги уйларини кўрсатади. Бугун у, ғўза қатор оралари бўйлаб, шилдираб оқаётган ҳаётбахш сув йўлларини кузатиб бормоқда. Кетмонни елкага қўйиб, эгатларни кузатиб юрган сувчи Бойтўра ака Ортиқбоев бригадирни кўриб унга пешвоз чиқди.

Бойтўра ака Раҳимжон Абдуллаев звеносида ишлайди. У, беш тюпкочининг бири. Бригадир сувнинг яхши таралганидан мамнун бўлиб, сувчига раҳмат айтади, сувчи бўлса:

— Раҳимжон ерни яхши тайёрлаб бераяпти. Ерни қаранг, қандай ямшил. Бундай звеновой билан 40 гектарни эмас, балки 100 гектар ерни ҳам обод қилсак бўлаверади.

Бригадир сувчининг сўзини маъқуллаб, янги звенонинг ишидан мамнун эканлигини айтади.

— Сизлар бешовлан бўш келмаяпсизлар. Ҳунар, ҳунардан унар дейдилар. Пахта иши ҳам катта бир ҳунар. Сизлар бўлсаларинг, бу ҳунарнинг энг янгисини, қулай ва унумлисини қўллаяпсизлар. Шундай бўлгандан кейин ғўза сизларнинг ерларингизда қарқара бўлмай, кимнинг ерида бўлсин.

— Квадратга қойилмиз, — дейди Бойтўра ака, — квадрат бўлмаганда беш киши 40 гектарни эплай олармидик. Қаранг, ҳаммаёқ квадрат. Тракторни қайси ёқдан қўйсанг, бемалол ўша ёқдан ишлайверади. Ўтнинг уруғини қолдирмайди, сенинг ҳамма ишингни ҳулди яхши дастёрдай бажариб бераверади.

— Бизнинг бригадамиз колхозда бундан 3 йил бурун биринчи бўлиб пахтани квадрат-уялаб етиштиришга киришганлиги эсингизда бўлса керак, — дейди бригадир моҳир сувчига қараб. У атрофда гуркираб, яшнаб турган яшил квадратларни қувониб кўзлан кечирар экан, яна сўзини давом эттиради, — ўша вақтда биз бу усулга кўчамиз деганимизда, баъзи бировлар биздан кулишди, кузга бориб юзимизнинг шивит бўлиб қолишини айтишди.

— Биз бўлсак, уларнинг гапига қулоқ солмадик, — дейди сувчи намланиб сувга нураб тушган кесакни кетмон учи билан эгат четига тортиб қўяр экан.

— Мана энди сизлар новатор-механизатор Тюпко методи асосида ишлаяпсизлар. Бу ишдан чўчиётганлар ҳам йўқ эмас, лекин уларнинг ҳоли квадратдан қўрқканларнинг ҳолига ўхшаб қолишига шубҳа қилмаймиз.

— Квадратдан чўчиганларнинг ўзи ҳозир, квадратга биринчи бўлиб киришмоқдалар. Машина бўлгандан кейин деҳқоннинг қўли ярд кўрмас экан. Бунинг учун партиямизга минг раҳмат. Бу ерлар илгари одам кирса йўқолаётган қамишзор эди. Энди, ҳавасинг келадиган боғу-бўстон, қамиш нишонасини фақат уватда, чет жойларда кўрасан. Уларни ҳам болаларнинг най қилиб эрмак қилиши учун қолдирганмиз. Бўлмаса, жазоси бир кетмон.

Пахтазор эгатлари ялтираб кўринади. Суҳбат пировард бўлиб, Бойтўра ака пайнов томон кетади. Бригадир моҳир сувчининг ишини бирма-бир кўздан кечириб, колхозчилар ишлаётган картага ўтади.

Икки универсал 40 гектарлик катта картани иккига бўлиб олиб, бири узунасига, иккинчиси эса кўндалангига культивация қилмоқда. Колхозчилар эгат оралаб, ғўза туплари биқинида яширинган қолган ёввойи ўтларни таг-томири билан юлиб олиб, ғўза кўчатларини меҳр билан парвариш қиладилар. Шонага кирган дуркун ғўза кўчатлари тоғ шабадасидан аста тебраниб, яшил бахмалдай товланади, қуёш қизиғидан яйраб, ярқирайди. Бу яшил квадратлар води гуллари, «оқ олтин» гунчаларидир.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Мирзачўл райони, «Ленинизм» колхози.

Чет Эллларда

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). 9 ва 10 июнда Париж атрофидаги Иври шаҳрида Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Францияда ҳозирги сиёсий аҳвол тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Вальдек Роше доклад қилди. Доклад юзасидан музокаралар қизиб кетди. Пленумнинг охирги мажлисида Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торез нутқ сўзлади.

Пленум Франциядаги сиёсий аҳволга баҳо берилган резолюцияни қабул қилди.

ХИТОЙДА ИККИ ЯНГИ РАДИОЗАВОД ҚУРИЛДИ

ПЕКИН, 11 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Ченду шаҳрида икки йирик радиозавод — Ғарби жанубий Хитойдаги радиоаппаратлар заводи ва Чэнду радиозаводи ишга туширилган. Бу заводлар Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилди. Улар Совет мамлакатида ишланган энг янги асбоб-ускуна билан, автомат ва ярим автомат станоклар билан таъминланган ҳамда хилма-хил мураккаб радио аппаратларни ишлаб чиқарадилар. Завод коллективлари қурилиш жараёнидаёқ ишлаб чиқаришни ўзлаштира бошладилар. Бунинг натижасида корхоналарнинг проект қувватига эришиш муддатлари анча камайтирилди.

Шу кунларда заводларни расмий равишда ишга тушириш маросимида ХКП Сичуань вилоят комитетининг секретари, Сичуань вилояти халқ комитетининг раиси Ли Да-чжан айтдики, бу заводларнинг ишга туширилиши Хитой-Совет дўстлигининг яна бир ифодаси, Хитойда социалистик қурилишнинг яна бир катта ғалабасидир. У заводларни қуришда ёрдам берган совет мутахассисларига ташаккур изҳор қилди.

Митингда шунингдек биринчи машинасозлик министрлиги министрининг ўринбосари Лю Инь, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихона маслаҳатчиси Н. Г. Судариков, ХКП Чэнду шаҳар комитетининг секретари Го Ши-фу, совет мутахассислари ҳамда иккала завод коллективларининг вакиллари нутқ сўзладилар.

ХИТОЙДА СУНЪИЙ СУЮҚ ЁҚИЛҒИ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ

ПЕКИН, 10 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабарига қараганда, бу йил мамлакатнинг турли районларида сунъий суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган 500 дан ортиқ майда ва ўртача заводлар қурилиши бошланган ёки яқин орада бошланади. Бу корхоналарнинг йиллик умумий қуввати 1.200 минг тоннадан ортиқ бўлиб, бу миқдор 1957 йилда Хитойда чиқарилган нефтнинг 80 процентини ташкил этади.

Ана шу кўрсатилган корхоналар қурилиши тўғрисидаги қарор яқинда ХХР нефть саноати министрлиги томонидан нефть саноатини ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган кенгашда қабул этилган эди. Бу заводларнинг кўпчилиги шу йилнинг ўзидаёқ ёки келаси йилда ишга туширилади. Иккинчи беш йиллликнинг шундан кейинги йилларида сунъий суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган минглаб майда ва ўртача заводлар қурилади. Бунинг натижасида Хитой нефть саноатини жадал суръатлар билан ривожлантириш мумкин бўлади.

АФГОНИСТОНДА ЯНГИ МЕТЕРЕОЛОГИЯ СТАНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

КОБИЛ, 11 июнь. (ТАСС). Кобил яқинида, Карезамирда 9 июнь куни тантанали вазиятда намуна метеорология станцияси очилди. Бу станциянинг ҳамма асбоб-ускунаси совет мамлакатида ишланган. Станциянинг асбоб-ускуналарини монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини совет мутахассислари бажардилар.

ФРАНЦИЯДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

Олленхауэрнинг айтганлари

БОНН, 12 июнь. (ТАСС). Социал-демократик матбуотнинг хабар қилишича, Германия социал-демократик партиясининг раиси Олленхауэр 10 июнь куни бундестаг социал-демократик фракциясининг мажлисида «Франциядаги аҳволни аввалдагидек ғоят жиддий деб ҳисоблаш керак», деб айтган.

Олленхауэр кўрсатиб ўтганки, Де Голльнинг бош министр қилиб тайинланганлиги «Франция тараққиётнинг янги даври» бошланишига асос бўлди. «Бу даврда парламент демократиясининг тақдирига ташвишланиб қарашга тўғри келади».

Аргентинанинг таниғлиқ жамоат арбоби ёзувчи Мария Роса Оливерга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг топширилиши

БУЭНОС-АЙРЕС, 11 июнь. (ТАСС). Кеча бу ерда Аргентинанинг таниғлик жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси ёзувчи Мария Роса Оливерга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти топширилди.

Мамлакатнинг ёзувчилари, олимлари, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар, жамоат ва сиёсий арбоблар, дипломатия корпусининг аъзолари тинчлик йўлидаги атоқли курашчини табриклаш учун келдилар.

Аргентина ёзувчиси Кусанонинг кириш нутқидан кейин Мария Роса Оливер номига келган жуда кўп табрик телеграммалари ўқиб берилди.

Совет ёзувчиси Борис Полевой «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитети номидан Мария Роса Оливерни табриклади.

Полевой шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида Мария Роса Оливерга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати олтин медали ва дипломини топширди.

Мария Роса Оливер ёрқин жавоб нутқи сўзлади. У, менга берилган ана шу юксак мукофот тинчлик учун курашаётган Аргентина халқи сазовор бўлган мукофотдир, деб таъкидлади. Мария Роса Оливер тинчлик йўлида курашувчиларнинг янги урушнинг олдини олишга қатъий бел боғлаганликларини билдирди ва жаҳон жамоатчилигини барча мамлакатлар ўртасида тинч ҳамкорлик қилиш ва дўстона мусобақага эришишга чақирди.

ФРАНЦИЯДАГИ СИЁСИЙ АҲВОЛГА ДОИР

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Париж матбуоти бугун Жазоир «ижтимоий нажот комитети» томонидан кеча қабул қилинган резолюцияни ташвиш билан шарҳламоқда. Бу резолюция Франция ҳукуматининг бошлиги де Голльга юборилган.

Фитначилар бу резолюцияда ультиматум шаклида бир қанча талабларни илгари сурадилар. Улар, биринчи галда, Жазоирнинг маъмурий тузилиши асослари тўғрисидаги қонуннинг бекор қилинишини, асосий маъмурий муассасалар — Жазоир ишлари министрлиги, Саҳрои Кабир министрлиги ва шу сингарларнинг тугатилишини ҳамда «Жазоирни метрополия билан тамомила қўшиб юбориш»ни талаб этадилар. Комитет аъзолари Жазоирнинг экономикаси ва идораси устидан тўла контроллик ўрнатишга интилмоқдалар.

Бунинг устига комитет аъзолари (фитнанинг асосий ташкилотчиларидан бири генерал Массю ана шу комитетнинг раҳбаридир) Франциядаги барча сиёсий партияларни «тугатиш»ни ошкора талаб этдилар. Бунда аввало Коммунистик партияни ва бошқа сўл партияларни тақиқлаш кўзда тутилади.

Матбуотнинг кўрсатишича, бу «ультиматум» генерал Саланнинг рухсати билан ва унинг орқали де Голльга юборилган. Генерал Салан ҳали яқиндагина Франция ҳукуматининг Жазоирдаги бош вакили қилиб тасдиқланган эди.

Франс Пресс агентлигининг хабарларидан маълум бўлишича, Жазоир «ижтимоий нажот комитети»ни илгари очиқдан-очиқ қоралашдан тийиниб турган де Голль бугун бунга билвосита қилишга мажбур бўлган. Де Голль Салан номига юборган телеграммасида резолюцияни «вақтсиз чиқарилган ва таассуф қилишга арзийдиган» ҳужжат деб характерлайди ва шу билан бирга «осойишталикка» даъват этади.

Фитначилар Парижга ўз делегатларини юборишга қарор қилдилар. Комитетнинг 8 кишидан иборат делегацияси бугун пойтахтга келди.

Франция матбуоти фитначиларнинг ультиматумини жуда кескин қоралади. Ҳатто кўпгина буржуа газеталари ҳам «комитет» мамлакатнинг миллий сиёсатини белгилаш ҳуқуқига эга эмас, деб таъкидлаб фитначиларнинг ҳаракатларини қоралямоқдалар

Сўл матбуот исёнчилар фаолиятининг активлашуви мамлакатда фашизм режимини ўрнатиш хавфини туғдиради, деб таъкидламоқда.

«Юманите» газетаси бугунги сонида халқни бирлашишга ва республикани қатъий ҳимоя қилишга даъват этади.

ЛИВАНДА АҲВОЛ

БАЙРУТ, 11 июнь. (ТАСС). Ливан мудофаа министрлигининг ахборотида маълум қилинадики, ўтган кун ичида Ливан авиацияси мамлакатнинг бутун территорияси устида патруллик қилиб, қўзғолончиларга қарши жангларда қатнашган.

Тоғлиқ Шуф районида Барук шаҳри яқинида қўзғолончилар билан қаттиқ жанглар бошланиб кетган. Авиация қўзғолончи отрядларнинг ҳамлаларини даф этишда ҳукумат қўшинларига ёрдам берган.

Тароблис шаҳрида, шунингдек Хальба шаҳри ва Ғхамин пункти районларида армия қисмлари билан қўзғолончилар ўртасида яна жанглар бошланиб кетган. Бу райондаги жанглар ярим кечагача давом этган. Матбуотдаги маълумотларга кўра, Жумблат раҳбарлигидаги қўзғолончилар отряди хужумга ўтган ва Шуф ва Марказий Ливан тоғ массивларидан ўтиб, муваффақият билан олга силжимоқда.

«Телеграф» газетаси Шуф районидаги жанглар шиддатли тус олганлигини таъкидлайди. Иккала томондан ҳам ўлганлар ва кўп ярадорлар бор. Райяк шаҳрида (Бекаа водиси) темир йўл портлатилган. Байрутда забастовкалар давом этмоқда.

БАЙРУТ, 11 июнь. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича, Ливанда президентнинг декрети чиқарилган. Бу декретга мувофиқ, ҳар бир давлат амаллари бирор сиёсий партия сафига кирса, бирор сиёсий ташкилот билан ҳамкорлик қилса, сиёсий фаолият билан шуғулланса ёки забастовкаларда қатнашса, у ишдан бўшатилади.

БАЙРУТ, 11 июнь. (ТАСС). «Телеграф» газетасининг хабар беришича, Хавфсизлик Кенгашида Бирлашган Араб Республикаси устидан берилган шикоятни қараб чиқишда қатнашиш учун тайинланган Ливан делегациясининг икки аъзоси Иброҳим Алаб ва Нажим Димашқиё истеъфо берганлар.

АҚШнинг баъзи давлат арбоблари кўпинча ўз нутқларини худога илтижо қилишдан бошлаб, ундан халқларга тинчлик ва марҳамат ато қилишини сўраш билан тугатадилар. Улар ҳаммаларнинг олдида сўзлаган нутқларида бир нарса десалар, амалда бошқа ишни қиладилар. Нақадар мунофиқлик!

(Н. С. Хрушчевнинг Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетасининг бош дипломатик мухбири Ж. Рестон саволларига берган жавобидан).

БИЗНЕСМЕННИНГ ДУОСИ

— Сизларни худо сақласин!

Е. Шчеглов чизган расм. (ТАСС фотохроникаси).

Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 11 июнь. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши бугун Бирлашган Араб Республикасининг Ливан ички ишларига ғўё аралашганлиги тўғрисида Ливаннинг шикоятини муҳокама қилишни давом эттирди. Япония, Панама, Колумбия, Канада ва бошқа мамлакатлар вакилларининг сўзларидан кейин Хавфсизлик Кенгаши Швеция резолюция проектини қабул қилди. Бу проект Ливан чегараларида кузатувчилардан иборат махсус группа тузишни кўзда тутади. 10 мамлакатнинг вакили резолюцияни ёқлаб овоз берди. Совет Иттифоқининг вакили овоз бериш вақтида бетараф қолди.

ТУРКИЯ МАЪМУРЛАРИНИНГ АСОССИЗ ТАДБИРЛАРИ

ДАМАШҚ, 11 июнь. (ТАСС). «Алахбор» газетасининг хабар беришича, Туркия маъмурлари Туркия территориясидан оқиб келиб, Бирлашган Араб Республикасининг Сурия районидаги Жазира муҳофазати (вилоят)дан ўтадиган ҳамда бу муҳофазатдаги анча экин майдонларини суғорадиган ва Суриянинг Қамишли шаҳри аҳолисини ичимлик сув билан таъминлайдиган Жаг-Жаг дарёсини бўғиб қўйганлар. Сурия томони Сурия ва Туркия маъмурларининг қўшма мажлисини шошилинч равишда чақиришни талаб этган. Бу кенгашда Туркия делегацияси ўз қаровини бекор қилишдан бош тортган. Мухофазат маъмурлари Қамишли аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида дарҳол дарезиан қулуқлари қазишга киришишга мажбур бўлганлар.

ЖАЗОИРДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Жазоирда Жазоир миллий озодлик армияси билан француз қўшинлари ўртасида қонли жанглар давом этмоқда. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, кейинги кунда олиб борилган жанглар натижасида қўзғолончилардан 16 киши ўлган ва 18 киши асир тушган. Француз қўшинларидан 5 киши, шу жумладан бир офицер ярадор бўлган.

Француз қўшинлари қўзғолончиларга қарши уруш ҳаракатларида авиациядан кенг фойдаланмоқдалар. Француз қўшинлари штабининг кеча эълон қилинган ахборотида айтилишича, 2 июндан 8 июнгача ўтган бир ҳафта ичидагина француз ҳарбий авиациясининг самолётлари 1.983 марта учган, шу жумладан, 618 марта жангга учган.

Ўша хабарларга кўра, француз маъмурлари Жазоир граждан аҳолиси ўртасида қўзғолончиларга ҳайрихоҳликда гумон қилинган кишиларни қамоққа олганлар.

Уммонда жанглар

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан билдиради: Уммон имомининг вакили Дамашқда айтганки, 10 июнда халқнинг қаршилик кўрсатувчи кучлари Жабал Алахдар тоғ районида уммонликларнинг таянч пунктига инглиз қўшинлари қилган ҳужумни даф этганлар. Инглиз отряди кишилардан ва техникадан кўп талафот кўриб, аввалги позицияларига чекинишга мажбур бўлган.

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ СЕССИЯСИДА

ТОКИО, 11 июнь. (ТАСС). Япония парламентининг кеча Токиода очилган сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Сессия 22 майда Японияда парламентнинг қуйи палатасига ўтказилган сайловдан кейин чақирилди.

Кеча, сессия очилиши олдидан Киси ҳукумати истеъфо беришга қарор қилди ва буни қуйи ҳамда юқори палаталарга маълум қилди. Парламент сессияси Японияннинг янги бош министрини сайлаши керак, янги бош министр кейинчалик ҳукумат тузади.

Парламентдаги ҳамма раҳбарлик лавозимларини ўз қўлига олишга уринаётган либерал-демократик партия социалистик партиянинг оппозициясига луч келмоқда.

Бугун парламентнинг қуйи палатаси мажлисида овоз беришда қатнашган 445 депутатдан 278 овоз билан палата раислигига Ниро Хосидзима сайланди, раис ўринбосари қилиб Сабуро Синкума сайланди (ҳар иккаласи ҳам либерал-демократик партиядан).

ТИНЧ ОКЕАНДА АМЕРИКА ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 июнь. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлиги мухбирининг Вашингтондан хабар беришича, 10 июнда Кўшма Штатлар Тинч океанда яна бир марта ядро қуролини портлатганлар.

Бу 28 апрелда бошланган ядро қуроли синовларидаги бешинчи портлашдир.

Кичик ёшдаги мактаб болаларнинг ёзги каникули бошланди. Шу кунларда республика ёш натуралистлар станцияси тўгарак қатнашчилари кўп вақтларини тажриба участкалари, теплица ва парниклларда ўтказмоқдалар. **Суратда:** Тошкент шаҳридаги 77-мактаб 4-синф ўқувчиси **Т. Шокирова** ва **Т. Орифжонова** станцияда етиштирилган пиллани кўздан кечирмоқдалар.

Х. Хантмуҳамедов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Мақтовга сазовор ташаббус

Қўзи ва Солиҳа Тўламетовлар оиласида ўғил туғилди. Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Зарбдор» маҳалласида яшовчи бу оилани 7-фарзанд билан табриклаш учун шу маҳаллада яшовчилар Тўламетовларникига келишди. Бундай табриклаш маросимини маҳалла комитети аъзолари ташкил этган эдилар.

Маҳаллада қилинаётган ишларга қаҳқаҳан ҳавас қилса арзийди. Уй ишлари билан шуғулланувчи Н. Исожонова, Р. Димбелбаева, медицина ҳамшираси М. Саидмаҳмудова ва бошқалар маҳалла комитетида ҳар хил комиссияларга бошчилик қилиб, маҳаллага тааллуқли бўлган масалаларни кўпчилик иштирокида ҳал этадилар.

Пенсионер Ойниса Алиеванинг уйи кўкламда чакка ўтиб, томи путурдан кетди. Шунда махсус ремонтчи ишчиларни кутиб ўтирмай, ҳашар йўли билан уй ремонт қилинди. Шундан бери маҳалла территориясида оболончилик ишлари ҳашар йўли билан қилинаётир.

Тозаликка риоя қилиш фақат кўчаларгагина эмас, уйларда ҳам назорат қилиб турилади. Кейинги вақтларда қўшнилар Раҳима Исломованинг ҳовлисига тез-тез кириб турилиган бўлдилар. Чунки Раҳима опа «Кимнинг ҳовлиси тоза» конкурсида биринчи ўринни олган эди. Ҳозир маҳалла комитетининг санитария комиссияси ҳар ҳафта охирида ҳовлилар тозалиги учун бўлаётган конкурс натижаларини якунлаб турибли.

Маҳалла территориясида иккита болалар боғчаси, болалар яслиси ва болалар майдончаси бор. Бу муассасаларда хотин-қизлар орасида ишлаш комиссияси аъзолари бўлган кўзгилни навбатчиларни тез-тез учратиш мумкин. Комиссия аъзолари болалар муассасалари фаолиятини кузатиб туриш билан бирга ёш болали аёлларга яшаб турган уйлари яқинидан иш ҳам топиб беришга ҳаракат қиладилар. Комиссия ёш болали аёллардан 50 га яқинини ишга жойлаштириб қўйди.

Маҳалла комитети аҳолининг маданий дам олишини ташкил этишга ҳам катта эътибор беради. Бу ерда коллектив бўлиб янги фильмларни кўриш, музейларга бориш тез-тез ташкил этилиб туради. Яқинда маҳалла болалари Тошкент зоопаркига бордилар, қариялар эса Комсомол кўлини сайр қилдилар.

Маҳалла комитети район Маданият уйи ва агитпункт билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Комитетнинг илтимосига мувофиқ маҳаллада илмий ва атеистик темаларда тез-тез лекциялар ўтказилиб туради. Махсус текшириш натижасида маҳаллада яшовчи катта ёшдаги кишиларнинг кўпчилиги яхши саводли эмаслиги маълум бўлди. Бундай кишилар учун курслар ташкил этилди.

Юқорида айтилган ишларни амалга оширишда маҳалла комитети активларга суянади.

«Зарбдор» маҳалласида бир ярим минг аҳоли бор. Улар ўзаро аҳил ва иноқ бўлиб, бир-бирларига ёрдамлашадилар. Бундай қувончли ҳолни Октябрь районидаги бошқа 168 та маҳаллада ҳам кўриш мумкин.

Ҳозир райондаги маҳалла комитетлари район ижроия комитети белгилаган тадбирларни амалга оширишда асосий ёрдамчилар бўлиб қолганлар. Уларнинг ёрдами билан депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилади. Шу кунларда маҳалла активлари бир ёқалаб бош чиқариб, район территориясида болалар кўли, ўн йиллик янги ўрта мактаб биноси қурмоқдалар, парк ва скверларни обод қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Учинчи сунъий йўлдош 12 июнь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 376 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ ва булутсиз бўлганда учинчи йўлдошни ва уни учирган ракетани эрталаб қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 19 градусидан 35 градусигача ҳамда кечқурун қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 46 градусидан 66 градусигача визуал кўриш мумкин.

(ТАСС).

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун клуб командалари ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг биринчи давраси тамом бўлди. «Химик» (Чирчиқ) командаси футболчилари бутун ўйин давомида маҳорат кўрсатиб, энг яхши натижага эришдилар. Улар икки дурангни ҳисобга олматганда, қолган ҳамма ўйинларни мағлубиятсиз якунлаб, 24 имкониятдан 22 очко олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, чирчиқлилар биринчи даврада турнир таблицасида олдинги ўринга чиқиб олдилар. «Меҳнат» командаси (Тошкент) 20 очко олди, ТуркВО спорт клуби футболчилари эса учинчи ўринни эгалладилар. Ҳозир иккинчи давра ўйинлари бошланди.

Классик кураш

Тошкентда Ўзбекистон пойтахти шахсий биринчилиги учун эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақа тамом бўлди. Динамочилардан Н. Евсеев, М. Мўминов, Д. Маркевич, Г. Рейф, «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти аъзолари Ю. Трубицин, В. Крохоткин, армия спортчилари М. Барановский, В. Егоров ўртоқлар мусобақа давомида зўр маҳорат билан курашиб, 1958 йил шаҳар чемпиони номини олишга муваффақ бўлдилар. Эркин кураш мусобақаси натижалари спортнинг бу тури бўйича ёшларнинг маҳорати анча ўсганлигини кўрсатди.

Телевизор экранида

13 ИЮНДА

19.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

19.45 Ўзбек тилида «Фан ва техника оламида» деган эшиттириш.

20.00 Тошкент консерваториясининг битирувчилари иштирокида концерт.

20.45 Бадиий фильм — «Сепли тўй».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да **Ганг дарёсининг қизи**, 14/VI да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/VI да **Дилором.** Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий**, 15/VI да кундуз **Жизель.** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Галия Измайлова** қатнашади, кечқурун **Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да қишки бинода — **Олтин кўл**, 14/VI да Комсомол кўлидаги ёзги бинода — **Тоҳир ва Зуҳра. Маҳмуджон Ғафуров** ва **Фарогат Раҳматова** қатнашади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА — 13/VI кеч соат 7 да «Б» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун: **«Меҳнат резервлари» (Тошкент)— «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол.**

«РОДИНА» — кундуз **Тинч оқар Дон** (3-серия), кеч соат 5 ярим ва 8-20 минутда кенг экранли фильм **Уч денгиз оша**, кеч 11 да **Зирапча.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қора қоялар.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Сохта орзу**, кеч соат 8-20 минут ва 10-45 минутда **Тинч оқар Дон** (3-серия).

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Бахт билан учрашув.**

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ЎЗБЕКИСТОН“ журнали

1958 йил июль ойидан бошлаб анча кенгайтирилган ҳажмда ва тўртта қўшимча рангдор саҳифалар билан чиқади.

Журнал республиканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳасида эришган ютуқларини кенг ёритади. Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан парчалар, ҳикоялар, фельетонлар, шеърлар, сатира ва юмор, фан ва техника, медицина ютуқлари ҳақида ахборот, шахмат масалалари ва бошқаларни бериб боради.

Журнал ўзбек ва рус тилларида босилади.

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий «Ўзбекистон» журналига обуна бўлингиз! Обуна баҳоси: 6 ойга — 18 сўм, айрим сони — 3 сўм.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

МУШТУМ

ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Муштум» журнали 1958 йилнинг 2-ярмидан бошлаб ойига 2 марта чиқади.

Обунангизни 1958 йил охиригача давом эттириш учун, обуна бўлган жойингизда 9 сўмдан қўшимча ҳақ тўлашингиз керак.

«Муштум» журналига обуна қилиш давом этмоқда. Обуна баҳоси: июнь ойидан йил охиригача — 19 сўм 50 тийин, июль ойидан йил охиригача — 18 сўм.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва конторларда, шунингдек корхона, қурилиш, колхоз, совхоз, МТС, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Матбуот тарқатиш бўлими.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05799. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-501.